O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2006 йил, **30** июнь, жума № **26** (2153).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **30** июня, **2006** год, № **26** (2153).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена свободная

Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ПФ-3641-сонли Фармони қоидаларини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун ўз вақтида топшириш мақсадида:

1.Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича 1-иловага мувофиқ ишчи гуруҳи тузилсин.

2.Ишчи гуруҳи (Б.Мустафоев):

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони қоидаларини амалга оширишни таъминлайдиган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш жадвалини ишлаб чиқсин ва бунда 2006 йилнинг охиригача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида муҳокама қилиш учун уларни босқичма-босқич тақдим этиш зарурлигини ҳисобга олсин;

ушбу бандда кўрсатилган Жадвални ишлаб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги Р-2310-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонини амалга ошириш мақсадида қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати"ни асос қилиб олсин;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш чоғида "умрбод қамоқ жазоси" ва "узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш" каби янгидан жорий этиладиган жазо турлари тушунчаси, шунингдек бундай жазо турлари учун тайинланиши назарда тутиладиган жиноятлар таркиби (моддалар рўйхати) аниқ ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратсин;

мазкур Фармойишда кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича вазирликлар ва идораларнинг фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини, ушбу қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги ишга малакали мутахассислар, шунингдек мамлакатимиздаги тадқиқот ҳамда таълим муассасаларининг етакчи эксперт ва олимлари жалб этилишини таъминласин;

ушбу Фармойишда кўрсатилган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш Жадвалининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чоракда маълумот бериб борсин.

3.Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг Котиби М.Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2006 йил 29 июнь.



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Парвозинг муборак, сарлочиним!

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ИНТЕГРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

МИНСК, 23 июнь (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Евросиё иқтисодий ҳамжамиятининг саммитида қатнашиш учун Минскка ташриф буюрган олий мартабали меҳмонлар Беларусь Миллий кутубхонасининг янги бунёд этилган биносига йиғилдилар. Бу ерда Давлатлараро кенгашнинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов қатнашдилар.

Ҳамжамият Божхона иттифоқини тузиш ва ягона иқтисодий макон барпо этиш жараёнини жадаллаштириш, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро савдо тизимига интеграциялашишда аъзо давлатларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг асосий вазифалари сирасига эркин савдо тартибини расмийлаштиришни якунига етказиш, умумий божхона тарифларини, умумий молия бозорини, транспорт хизматининг ягона бозори ва ягона транспорт тизимини, умумий энергетика бозорини шакллантириш, сармояларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, савдо-сотиқнинг умумий қоидаларини жорий қилиш, давлатлараро мақсадли дастурларни амалга ошириш, аъзо мамлакатлар фуқароларига бутун ҳамжамият ҳудудида таълим ва тиббий ёрдам олишда тенг ҳуқуқ яратиш, миллий қонун ҳужжатларини ўзаро яқинлаштириш каби масалалар киради.

Ҳамжамиятнинг 2004–2006 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурида умумий вазифаларни ҳамкорликнинг янги шакл ва механизмларини ишга солган ҳолда бажариш кўзда тутилган. Шу тариқа ягона умумий бозор ташкил қилиш мумкин. Интеграция йўлидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари эса Божхона иттифоқини тузиш, ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат юритиш, биргаликда энергетика бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, Транспорт иттифоқини ташкил этиш ва аъзо давлатларнинг транзит салоҳиятини тўла ишга солиш, агросаноат мажмуида ҳамкорлик, ягона молиявий бозор ва хизматлар бозорини тузиш, ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

ОЗОДЛИКНИНГ МУБОРАК ЙЎЛИ

Миллий истиқлол ғоясининг диний қарашлар билан уйғунлигини яхши биламиз. Моҳиятига кўра, динимиз поклик, меҳр-оқибат, инсонийлик каби эзгу туйғуларни илгари суриб, булар орқали миллий истиқлол мафкурасининг ғояларини онгимизга, шууримизга сингдиради. Шу маънода қуйида бобокалонимиз Фитратнинг диний маърифат орқали жамиятни нажот йўлига бошлаш билан боғлиқ фаолиятига назар ташлар эканмиз, унинг бугунги кунимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳис қиламиз.

XX аср бошида Туркистондаги диний мутаассиблик шароитида аҳолига дин тараққиётини, маърифатини асосли, ишонарли, диний аҳкомларга таяниб тушунтириш – жадидлар олдидаги энг қийин, мураккаб масала эди. Хурофотга ўранган, жаҳолатга беркинган ўлкани хароботдан олиб чиқишда диний маърифат – нажот сифатида талқин этилди. Чунки, халқ руҳиятининг синиқлигини тиклайдиган, жаҳолатдан маърифат сари етаклайдиган маънавий илдиз – диний қадриятлар эди. Жадид маърифатпарварларининг ғоявий раҳнамоларидан бири бўлган Фитратнинг «Нажот йўли» асари жамият ва дин масаласида концептуал аҳамиятга эгалиги билан қимматлидир. Унда Инсон моҳияти, унинг ўзи ва жамият олдидаги бурчу масъулияти «Қуръони Карим» ва ҳадислар асосида содда тилда тушунтириб берилган. Инсон ҳаётидаги юксалишу таназзулнинг йўлларини яққол кўрсатиб берувчи, уларни диний аҳкомларга таяниб тушунтириб берувчи бу асарни Фитратнинг ўзи «ахлоқия мажмуаси» деб атайди.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



РАМЗЛАРДА ҒУРУР, ФАХР ТУЙҒУЛАРИ

(2 июль — Давлатимиз герби қабул қилинган кун)

Давлатчилик ҳақида гап кетганда, рамзлар хаёлимизга келади. Маълумки, рамзлар ҳар бир давлатнинг миллий суверенитетини ифодалайдиган, тарихан таркиб топган, алоҳида, муҳим белгилари бўлади. Бир сўз билан айтганда, миллат ҳаёти, анъаналари, руҳияти ана шу рамзларда жам бўлади. Ҳатто келажакка интилиши, орзу, ниятлари ҳам ўз аксини топиши мумкин, уларда. Таъбир жоиз бўлса, давлат рамзлари, миллий рамзлар халқнинг ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмаслигини, ўз эрки, ўз озодлиги қўлида эканлигини билдиради. Шу маънода ҳам рамзлар биз учун муқаддасдир.

Мустақиллигимизни эълон қилганимиздан эътиборан, миллий давлатчилигимизни қуришни бошладик. Табиийки, ўз рамзларимизга эга бўлдик. Мустақил давлатимизнинг давлат рамзлари биз фуқароларнинг миллий ғуруримизни тарбиялашда устувор аҳамият касб этишини яхши биламиз. Президентимиз Ислом Каримов бу хусусда шундай фикр билдирганди: **«Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири — катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир».**

(Давоми 8-бетда).

Муштарийларимизга

КУЧ БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

Йилдан йилга ҳарбий бўламан, офицерлик касбини эгаллайман деган ёшларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Буни олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун топширилган ҳужжатлар ҳам исботлаб турибди. Бу йил олий ҳарбий билим юртига кирмоқчи бўлаётган абитуриентлар сони ўтган йилгига қараганда кўпчиликни ташкил этмоқда. Ҳозир тайёргарликнинг айнан қизғин палласи. Абитуриентлар тиббий кўрикдан, ўз танлаган соҳаси бўйича суҳбатдан ўтказилиб, жисмоний тайёргарлиги синаб кўрилянти. 10 июль куни давлат тест синови топширишади, натижалар эса 15 июлда маълум бўлади.

Хабарингиз бор, Президентимиз ташаббуси билан ўтган йилдан бошлаб олий ҳарбий билим юртларига қабул олдинги йилларга қараганда бир мунча барвақт ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад: биринчидан, шу соҳага талабгорлар ўртасида рақобатни кучайтириб, энг муносибларини танлаб олиш бўлса, иккинчидан, айрим сабабларга кўра, ҳарбий билим юртларига кира олмаганлар ўз омадларини мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртларига киришда синаб кўришлари мумкин бўлади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, аъло хизматлари туфайли Тавсияномани қўлга киритганлар тест синовларида тўпланадиган энг юқори балларнинг йигирма беш фоизи миқдоридаги имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишади. Бундай имтиёзга эга бўлганларнинг кўпчилиги айнан олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун ҳужжат топширишгани қувончли, албатта.

Айни кунларда барча абитуриентлар ҳаяжонли дамларни бошидан кечиришмоқда. Ўқиб-ўрганиш авжида, тест кунини интиқлик билан кутишмоқда.

Давлатимиз раҳбари ёшлар ҳақида шундай таъкидлайди:

«Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман. Киши ана шундай фарзандлари борлигидан куч олади, онги тиниқлашади, рағбатланади, кўкси тоғдай кўтарилади».

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, кўнглида ҳарбий бўлишга иштиёқ уйғониб, шу мақсадда олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун ҳужжат топширган ҳар бир ёш учун ҳарб илмини, ҳарб санъатини пухта эгаллаб, етук офицер бўлиши, Ватан ҳимоячилари сафидан жой олиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун ҳужжат топширган ёшларимиз бугунги миллий армиямиз офицери бўлиш шарафли ва шу билан бирга ўта масъулиятли эканлигини яхши тушунишади. Офицерлар Қуролли Кучларимизнинг етук мутахассислари ҳисобланишади. Юртбошимиз, ҳукуматимиз Ватан ҳимоячиларига чексиз ғамхўрлик ва эътибор кўрсатмоқда. Бундай ғамхўрлик ва эътиборга муносиб бўлмоқ зарур. Муносиб бўлишлик учун эса ҳарбийларимиздан чуқур билим, маҳорат ва куч талаб этилади.

Юртбошимиз таъкидлагандай, «Куч–билим ва тафаккурда».

ТАҲРИРИЯТ

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



ДАВЛАТ ВА ҚЎШИННИ БОШҚАРИШ

Ижтимоий-сиёсий таълимотлар тарихида ўрта аср Шарқ мутафаккирлари, хусусан Абу Наср Форобийнинг ғоялари муҳим ўрин эгаллайди. Юртбошимиз Ислом Каримов ҳам давлатни ақл-идрок билан бошқаришда Форобий сабоқларининг алоҳида аҳамияти борлигини таъкидлаб ўтганлари бежиз эмас. Чунки у ўрта аср шароитида биринчи марта жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди.

Форобийнинг фозил давлат тўғрисидаги таълимоти унинг «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари ҳақида», «Бахт-саодатга эришиш ҳақида», «Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида» кўрсатмалар», «Фуқаролик сиёсати», «Давлат арбобининг нақллари» номли рисолаларида батафсил баён этилган.


«Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, – деб ёзади Форобий, – бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади». Форобий давлатни етук шахс (монархия), инсоний хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шаклларини қайд этади. У шаҳарни ижтимоий уюшишнинг етук шакли, инсоният камолотга эришишининг зарурий воситаси, деб ҳисоблайди.

(Давоми 8-бетда).



3 ОДИНОЧНАЯ ПОДГОТОВКА СОЛДАТ

ШАГИ К ЗВАНИЮ ДЕСАНТНИКА



5 ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ ВА ТАЖРИБА

ИНСОНГА ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР



10 ЁШ – ЎТМОҚДА СОЗ

ОРОМГОҲ – СЕВИМЛИ МАСКАН



12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ

ҚЎШИҚНИ ФАРЗАНДИМДЕК АВАЙЛАЙМАН

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ИНТЕГРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу йўналишларнинг барчаси ўзига хос масалаларни ҳал этишни назарда тутади. Масалан, транспорт соҳасидаги тариф сиёсатини ўзаро мослаштириш, юк ташиш ҳажмини ошириш, божхона қоидаларини енгиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Энергетика соҳаси сув-энергетика захираларини биргаликда ўзлаштиришни, электр энергияси таъминотини яхшилашни, сув ресурсларидан унумли фойдаланишни талаб қилади. Агросаноат мажмуи ўзаро келишилган қишлоқ хўжалиги сиёсатини юритиш, озиқ-овқат бозорини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларини камайтириш, ушбу соҳада суғурта, банк, лизинг, биржа каби институтларни барпо этиш масалаларини қамрайди.

Давлатлараро кенгаш – ҳамжамиятнинг олий органидир. Бундан ташқари, ташкилот ҳузурида Интеграция қўмитаси, Парламентлараро ассамблея, ҳамжамият суди фаолият кўрсатади. Шунингдек, агросаноат, адлия, божхона, солиқ, суғурта, транспорт, энергетика каби алоҳида соҳалар бўйича кенгаш ва комиссиялар тузилган.

Минск учрашуви ҳамжамиятнинг жорий йилдаги иккинчи саммитидир. Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши муносабати билан ўтказилган биринчи саммит 21 январь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлган эди. Унда мамлакатимиз ҳамжамиятга аъзо бўлиб киришининг тартиби белгилаб олинган эди. Бугунги саммитда бу жараён натижалари сарҳисоб қилинди.

Президентларнинг келишувига биноан Ўзбекистон жорий йил охирига қадар ҳамжамиятда амал қилаётган барча битимларга қўшилиши керак. Мамлакатимиз шу чоққача 20 битимни ратификация қилди ва айни пайтда яна олтита ҳужжатни тасдиқлаш бўйича иш олиб борилмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистон томони барча битимларни кўриб чиқмоқда ва бу мамлакатимиз ҳамжамият доирасидаги мажбуриятларини бажармоқда, дейиш учун асос бўлади.

Бундан ташқари, саммитда «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг (МОҲТ) Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш тартиби билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Чунки интеграция жараёнлари изчил ривожланиб боришини таъминлаш учун МОҲТ томонидан тузилган қатор муҳим ҳужжатлар, хусусан, сув-энергетика захираларидан фойдаланишга оид битимлар ҳамжамият талабларига мослаштирилиши керак.

Президентлар Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини ривожлантиришнинг стратегияси ва тактикаси юзасидан ҳам фикр алмашдилар, Молиявий ва иқтисодий масалалар бўйича кенгашнинг ҳисоботини кўриб чиқдилар.

Ҳамжамият ташқи сиёсий фаолиятининг концепциясини ишлаб чиқиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Унинг халқаро ташкилотлар ва молиявий тузилмалар билан алоқалари фаоллашиб бормоқда. Масалан, яқинда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг котибиятлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди, Европа иқтисодий комиссияси билан музокаралар ўтказилди.

Давлатлараро кенгашнинг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида ҳамжамиятни ривожлантириш масалаларининг муҳокамаси давом эттирилди. Унда тузилмани тараққий эттиришнинг устувор йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуи кўриб чиқилиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Президентлар ҳамжамият бюджетини шакллантириш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг янги лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Мажлисда Президентлар ҳамжамият фаолиятини такомиллаштиришга, унинг доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга доир фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Қатор ташаббуслар, дастур ва лойиҳалар юзасидан фикр алмашдилар. Божхона иттифоқини тузиш борасидаги ишларни жадаллаштириш масаласини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида савдо-иқтисодий ҳамкорликни, иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ҳақида тўхталар экан, бунда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Ҳар қандай тузилма доирасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик ривожланиши учун, аввало, у қамраган ҳудудда вазият барқарор бўлиши керак, деди Ислом Каримов.

Учрашув қатнашчилари Евроосиё спорт ўйинлари ва Евроосиё халқларининг санъат фестивалини ўтказишга келишиб олдилар.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги музокаралар якунига етгач, Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Арманистон раҳбарлари иштирокида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда Ўзбекистон ушбу ташкилот ишида қатнашиш тўғрисидаги мораторийни бекор қилгани эълон қилинди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон раҳбариятининг мазкур қарори коллектив хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлишини таъкидладилар.

Мажлисда хавфсизик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, террорчилик, экстремизм, наркобизнес, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Минтақадаги вазият таҳлил этилди.

Маълумки, 2004 йилнинг 2 декабрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига БМТ Бош ассамблеясида кузатувчи мақоми берилган.

Шартномага кўра, аъзо давлатлар ўз хавфсизлигини коллектив асосда таъминлайди. Яъни, аъзо давлатлардан бирортасининг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетига, хавфсизлигига таҳдид солинса, барча иштирокчи мамлакатлар қўшма маслаҳатлашув механизмини ишга солиб, юзага келган таҳдиднинг олдини олиш учун саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиради. Шунингдек, ташкилотга аъзо бирор давлат ташқи ҳужумга учраса, қолган давлатлар унга ҳар томонлама, жумладан, ҳарбий жиҳатдан зарур ёрдамни кўрсатади.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг низоми ҳамда ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги битим 2002 йилнинг 7 октябрида имзоланган ва 2003 йилнинг 18 сентябрида кучга кирган.

Президентлар хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини Коллектив хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги сессиясида давом эттирдилар.

Коллектив хавфсизлик кенгаши – ташкилотнинг олий органи. Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ҳузурида Котибият, ташқи ишлар ва мудофаа вазирларининг кенгашлари, хавфсизлик кенгашлари котибларининг қўмитаси, Бирлашган штаб фаолият юритади.

Президентлар ташқи ишлар ва мудофаа вазирларининг кенгашлари, хавфсизлик кенгашлари котиблари қўмитаси мажлисларида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларни кўриб чиқдилар.

Таъкидламоқ жоизки, ташкилотнинг моҳияти, унинг доирасидаги ҳамкорликнинг тамойил ва шакллари Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотини Евроосиёдаги бутун хавфсизлик тизимининг муҳим бўғинига айлантирди. Унга аъзо давлатларнинг аксарияти Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо эканлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президенти Коллектив хавфсизлик шартномаси 1992 йили Тошкентда имзоланганини, 1998 йил Ўзбекистон у билан ҳамкорликни тўхтатганини айтди. Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот фаолиятида яна иштирок этиш сабаблари эса Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши билан боғлиқ. Иқтисодий ҳамкорлик фақат хавфсизлик таъминлангандагина ривожланади.

Президентлар ахборот хавфсизлиги, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликка доир масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар. Матбуот анжуманида айтилганидек, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти саммитида Божхона иттифоқини барпо этишни жадаллаштириш учун жорий йил охиригача ички тартиб-қоидаларни кўриб чиқишга қарор қилинди. Шунингдек, Президентлар ҳамжамиятнинг ташқи сиёсий фаолиятига доир концепцияни маъқулладилар.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти доирасидаги музокаралар натижасида эса ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган сиёсий декларация имзоланди. Хавфсизлик органларининг террорчилик ва наркотаҳдидга қарши ҳамкорликдаги курашига оид дастур қабул қилинди.

Матбуот анжуманида музокаралар очиқлик, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик руҳида, ишчан кайфиятда ўтгани таъкидланди. Бугунги учрашувлар Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ўз тараққиётининг янги босқичига чиқаётганини намойиш этиши қайд қилинди.

Ислом Каримов мулоқотлар мазкур ташкилотларни ривожлантириш, минтақа ва дунёда рўй бераётган воқеалар юзасидан эркин фикр алмашиш, хулоса чиқариш учун яхши имконият яратганини таъкидлади.

Шу билан Минскда икки муҳим саммит якунига етди. Уларнинг натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини янада фаоллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОЙИШИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ПФ-3641-сонли Фармони қоидаларини амалга ошириш борасида мамлакат ҳукумати, адлия, ички ишлар вазирликлари, Олий суд, Бош прокуратура ҳамда бошқа вазирликлар ҳамда идоралар, тадқиқот ва таҳлилий муассасалар томонидан каттагина ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноий жазони ва суд ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасида қонунларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 19 августдаги фармойиши билан ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда унинг умрбод қамоқ жазоси ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш каби жазо турига алмаштирилиши муносабати билан қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тасдиқланган. Шу билан бир қаторда янгидан жорий этиладиган жиноий жазо турлари ижро этилишини таъминлаш механизмлари пишиқтирилмоқда; янги жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ одил судловни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини, судъяларни тайёрлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Мана шу ишларнинг барчасига юзлаб мутахассислар – нафақат юристлар балки иқтисодчилар, журналистлар, турли идораларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг экспертлари, олимлар, кенг жамоатчилик, жумладан маҳаллаларнинг вакиллари ҳам жалб этилган.

Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон қоидаларини муҳокама этишга 238 телекўрсатув, 463 радиоэшиттириш, 270 дан кўпроқ газета ва журнал мақолалари бағишланди; 23 та илмий-амалий конференция, 148 семинар, 265 давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги шу йил 29 июнда қабул қилинган Фармойишининг асосий вазифаси ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришдан, уни амалга оширишнинг якунловчи босқичида ташкилий ишларни кучайтиришдан иборатдир.

Бу ерда нима назарда тутилмоқда?

Биринчи. Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини маромига етказиш давомида турли касбларга, ижтимоий қатламларга мансуб минглаб одамлар шу хусусда билдирган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларни, шунингдек ушбу масала бўйича жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан киритилган таклифларни умумлаштириш ва эътиборга олиш.

Иккинчи. Ушбу мавзуда ўтказилган семинарлар, конференциялар, давра суҳбатларининг натижалари ва тавсияларини умумлаштириш ҳамда улардан ўлим жазоси бекор қилиниши ва у умрбод қамоқ жазосига ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга алмаштирилиши муносабати билан республиканинг жиноят тўғрисидаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишда фойдаланиш.

Учинчи. Чет мамлакатларнинг таниқли ҳуқуқшунослари, сиёсатчилари, журналистлари, турли халқаро ташкилотлар ва тузилмаларнинг экспертлари томонидан бу борада билдирган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларни инобатга олиш.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармойишига мувофиқ тузилаётган ишчи гуруҳининг энг муҳим вазифаси мана шу барча материалларни умумлаштириш ва тизимлаштиришдан ҳамда уларнинг негизида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон қоидаларининг амалга оширилишини таъминлайдиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш жадвалини ишлаб чиқишдан ҳамда мазкур ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига тақдим этишдан иборатдир.

Фармойиш ўз вақтида қабул қилинганлиги равшан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги Фармони ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги Фармойиши ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгилаб берган бўлса, Олий Мажлис ушбу масалалар бўйича тегишли қонунларни қабул қилиши учун мазкур ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин ўтган даврда кўтарилган муаммоларни, қонун ижодкорлигининг янги соҳалари ҳамда йўналишларини умумлаштириш ва ҳисобга олиш зарур.

Аҳоли, жамоатчилик, эксперт ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари кенг миқёсда инобатга олинишини назарда тутувчи фақат шундай демократик ёндашувгина Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ қонунларни қабул қилиш борасидаги чуқур ўйланган, пухта ва изчил ишларни таъминлаши мумкин.

Қуролли Кучлар Академиясида

ЮКСАК САЛОҲИЯТГА ЭГА БЎЛИШИБ







Марказий Офицерлар саройида Қуролли Кучлар Академиясининг навбатдаги, яъни ўнинчи битирувчиларига диплом ҳамда кўкрак нишонлари тақдим этиш муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазири ва вазир ўринбосарлари, қўшинлар вакиллари, Академия раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилар, битирувчиларнинг яқинлари иштирок этишди.

Тантанани Қуролли Кучлар Академияси бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор А.Қамбаров кириш сўзи билан очди ва олиб борди. Генерал тўпланганларни шукуҳли тантана билан қизғин қутлар экан, икки йил давомида ҳарб санъати илмидан мукаммал сабоқ олган, билим ва иқтидори юксак, малакали офицерларга келгуси фаолиятларида омадлар тилади.

– Маълумки, юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучларимизда ҳам ислоҳотлар изчил олиб бориляпти. Бу ўринда Академиянинг, унда таҳсил олган илғор офицерларнинг ҳам муносиб ҳиссалари борлиги дилимизни шод этади. Мана, бугун ушбу қутлуғ даргоҳдан ўнинчи битирувчиларни жанговар сафларга кузатяпмиз. Бу ҳар бир иштирокчи учун муҳим ва унутилмас кундир. Сиз, азизларнинг олган билим ва малакангизни хизмат фаолиятларингиз давомида татбиқ этиб, халқимизнинг, давлатимиз раҳбариятининг билдирган ишончини тўлиқ оқлашингизга, осойишталигимизни кўз қорачиғидек асрашингизга тўлиқ ишонаман. Шу билан биргаликда юқори савияли офицерларни тайёрлашда ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиз раҳбариятига, Мудофаа вазирлигига ва ўз мададини, куч ва иқтидорини аямаган профессор-ўқитувчиларга миннатдорлик изҳор этаман, – деди битирувчиларни табриклаш учун сўзга чиққан Академия бошлиғи генерал-майор Ф.Усмонов.

Кейин эса Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи полковник Х.Абдувалиев томонидан битирувчиларнинг хизмат вазифаларига тақсимланган ҳақидаги Мудофаа вазирининг буйруғи ўқиб эшиттирилди ва малакаси оширилган офицерларга диплом ҳамда кўкрак нишонларини тақдим этиш бошланди.

Академияни битирганлик ҳақидаги диплом ҳамда кўкрак нишонларини олган офицерларни Мудофаа вазири Р.Мирзаев қутлар экан, ҳар бир битирувчининг билим ва малакаси билан бирга зиммасидаги масъулият ҳисси ҳам ошганини, уларнинг бундан буён ҳам илғор, ислоҳотлар жараёнида фаол, ўз номига муносиб ва доимо бошқаларга ўрнак бўлиб, шу билан биргаликда хизматда ва ҳаётда ҳамиша улкан ютуқларга эришиб юришини тилади.

Тадбир давомида Мудофаа вазирининг тегишли буйруғига мувофиқ фидойи хизматлари, тартиб-интизоми ва ижобий натижалари учун бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар ҳамда битирувчи офицерларга эсдалик нишонлари, қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, навбатдаги ҳарбий унвон олиш муддати етган бир гуруҳ офицерларга шу ернинг ўзида навбатдаги ҳарбий унвонлар топширилди.

Битирувчилар номидан сўзга чиққан имтиёзли диплом соҳиби майор Фарҳод Ортиқов давлатимиз раҳбариятининг юксак ишончи ва ғамхўрликларидан ғоят руҳланганини изҳор этаркан, бундан буён ҳам фақат олдинги сафларда бўлишга, олган билимларини юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида сарф этишга барча сафдошлари номидан тантанали ваъда берди.

– Ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топганман, шу боис бу соҳа менга болаликдан қадрдон бўлиб, келажакда ўзим ҳам ҳарбий бўлишни кўнглимга тукқан эдим, – дейди биз билан суҳбатда майор Фарҳод Ортиқов. – Мана, орзу пиллапояларидан юксалиб боряпман. Юртимизнинг нуфузли билим даргоҳларидан бири бўлган Академияни битириб чиққанлигим дилимда чексиз фахр туйғуси уйғотади. Қувончли кунимда қутлаш учун бугун отам истеъфодаги подполковник Набижон Ортиқов, Мудофаа вазирлиги тизимида хизмат қилаётган офицер акам Шавкат Ортиқов ва бошқа яқинларим етиб келишди. Тақсимотга кўра, акам билан бир сафда хизмат қилишга юборилияпман. Бундан яна ҳам хурсанд бўлдим. Бирдан-бир эзгу мақсадим, юрт осойишталигини асраш ишига ўз ҳиссамни қўшишдир.

– Бугун мен учун ҳам унутилмас кун – қўшалоқ байрам, – дейди яна бир битирувчи майор Зафар Рўзиев. – Ҳам Қуролли Кучлар Академиясини битирдим, ҳам бугун таваллуд айёмим. Ҳақиқий тантана, байрам десам, янглишмайман. Дўст-яқинларим шодлигимга шерик бўлиш учун етиб келишган. Мендан ҳам кўра улар кўпроқ хурсанд. Обод юртга байрамлар ярашади. Истиқлол байроғи мағрур ҳилпираётган юртимизнинг ҳар куни шодиёна, байрам бўлаверсин. Биз ҳарбийлар эса ана шу гўзал турмушимиз бардавомлигини, осойишталигимизни кўз қорачиғидек асрашга камарбастамиз.

Тадбирдан чиқиб хуш кайфиятда йўлимда давом этарканман, яқиндагина олий ҳарбий билим юртлари курсантларининг битирув тантаналари бўлиб ўтгани, кейинроқ Академия ҳузурида штаб офицерларини тайёрлаш олий курсини тамомлаган офицерларни жанговар сафларга кузатганимиз ёдимга тушди. «Ҳа, буларнинг барчаси мустақиллик инъом этган ҳадялар! Сафларимиз кенгаймоқда, осойишталикка қалқон мардлар янада кўпаймоқда. Демак, хавфсизлигимизга, барқарор турмушимизга ҳеч ким таҳдид сололмайди. Чунки юртимнинг мардлари, азамат ўғлонлари бор!» – дедим бенхтиёр.

Шоҳрух КОМИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ФИДОЙИ ОФИЦЕР

Юқоридаги таъриф Навоий вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи полковник Олимжон Умрасуловга том маънода мос келади, десак муболаға бўлмайди. Чунки ҳарбийликни шараф деб, тақдир деб билган шижоатли офицер бу соҳага болалик чоғлариданоқ катта қизиқиш билан қарарди. Йиллар ўтиши билан болалик қизиқишлар шаклланиб, эзгу орзуга, қатъий мақсадга айланди. Орзу пиллапояларидан дадил қадам ташлаган мард ўғлон жанговар санъат илмини пухта эгаллаш, офицер деган номга сазовор бўлиш учун олий ҳарбий билим юртига йўл олди.



Омск олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўқиб юраркан, ҳамюртимизнинг қалбида Ватан соғинчи, она Ўзбекистонга хизмат қилиш истаги ёнар, машғулотларда доимо олдинги сафларда бўлишга интилиб, ўзбек ўғлонларининг ҳар қандай соҳада ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатишга интиларди. Ўз касбининг билимдони бўлишни кўзлаган ўтюрак сардор соҳага бўлган иштиёқини шундай изоҳлайди:

– Мени ҳарбийликка қизиқтирган, доим қўллаб-қувватлаган киши отам, раҳматли Раҳимжон Умрасулов эди. Менимча, ҳарбийлик муҳтарам падари бузрукворимнинг ушалмаган орзуси бўлган бўлса керак, доим бу соҳа ҳақида тўлқинланиб гапирарди. Шу боис ўз орзуси рўёбини менда кўришни истагандир, – дейди у биз билан суҳбатда.

Машаққатли тўрт йиллик таҳсил ҳам ортда қолди. Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ёш офицер жанговар хизматни мотоўқчилар қисмида взвод командирлиги вазифасидан бошлади.

Орадан бир йилча вақт ўтгач, юқори қўмондонликнинг буйруғига биноан офицер Олимжон Умрасулов Андижон вилоятининг Марҳамат туман мудофаа ишлари бўлимига юборилди. Кейинроқ билимли, ўз касбининг устаси бўлган офицер бўлинма бошлиғи вазифасига ўтди. Шу тариқа взвод командирлигидан бошқарма бошлиқлигигача бўлган катта ва ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган толмас офицер юртимизнинг кўпгина туман ва вилоятларида эл хизматини шараф билан адо этиб келмоқда. У ҳарбий хизмат остонаси ҳисобланган мудофаа ишлари бўлими ва бошқармаларида юртдошларимизга шарафли ҳарбий соҳанинг ўзига хосликлари, ёшларга жанговар ҳаёт сир-асрорларини ўргатиб, халқ меҳрини қозонди. Кўплаб ёшларимизнинг ўз ҳаёт йўлларини топиб олишларида холис хизматини, тўғри маслаҳатини асло аямади. Айниқса, миллий армиямизда бугун олиб борилаётган ислоҳотлар, ўзгариш ва ривожланишлар тажрибали полковникнинг ғайратига ғайрат, кучига куч қўшмоқда.

– Бугун йигитлар армия хизматига алоҳида тайёргарлик кўришмоқда. Саралар ичра сараларгина танлаб, тегишли кўрик-танловлар асосида қабул қилинаяпти. Бу албатта, армиянинг нуфузи ошаётганидан, ўзгараётганидан, том маънода шарафли соҳага айланаётганидан далолат. **«Ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида унинг ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш. Бу ўта муҳим масала армиядаги хизматни, барча бўғиндаги командирлар фаолиятини баҳолашда асосий мезон бўлиши лозимлигини кўзда тутган ҳолда, ҳарбий хизматчилар, биринчи навбатда ҳарбий хизматга чақирилганларни тарбиявий, ахлоқий-руҳий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёрлаш борасидаги ишлар қандай йўлга қўйилганини қайта кўриб чиқиш... зарур...»** деган эди Юртбошимиз. Шу асосда чақирилувчиларнинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал, руҳий томонлари, шароитлари пухта ўрганилиб, кўрикдан ўтказилиб жанговар сафларга жалб этиляпти. Бу борада кенг ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, чақириққача таълим ўқитувчилари, тиббиёт хизмати ходимлари, участка нозирлари, хотин-қизлар кенгаши, маҳалла, ҳокимият органлари билан биргаликда изчил олиб борилади, ишлар. Юртдошларимизга эса ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот беришга интиламиз. Профессионаллик йўлида шаклланаётган армиямизга бўлган қизиқиш эса тобора ортмоқда, – дейди биз билан суҳбатда полковник Умрасулов.

Элга хизмат – олий ҳиммат, дейдилар. Ростдан ҳам ўз манфаатидан кўра Ватан, юрт манфаатини устун қўйиб, фидойиларча хизматини аямаган олийҳиммат инсонларга элнинг ташаккури ёғилади. Лавҳамиз қаҳрамони Олимжон Умрасулов ҳам хизматидан қадр, ҳурмат-эътибор топди. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жорий йил январида фидойи офицер бир гуруҳ юртдошларимиз қатори давлатимизнинг юксак мукофоти – «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. У бунга қадар ҳам ибратли хизматлари туфайли «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» кўкрак нишони, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишонларининг соҳиби бўлган эди. Ғарчи санаб ўтилган фазилатлар қаҳрамоннинг сермаҳсул хизматларидан бир шингил бўлса-да, камтар офицер, «мукофот ёлғиз ўзимники эмас, балки мен билан хизмат қилаётган барча сафдошларим, хизматдошларимники», дейди сиполик билан. Етук офицернинг бунданда юксак натижаларга эришишини астойдил истаб қоламиз.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ТОШКЕНТ ҲАРБИЙ ОКРУГИ

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз бўлмиш мустақиллик айёмини Тошкент ҳарбий округи қўшинларида хизмат қилаётган юрт посбонлари ҳам қўлга киритилган янги ғалаба ва муваффақиятлар, миллий армиямиз профессионаллашуви, такомиллашувига ўз ҳиссаларини қўшишдек умуммақсадлари сабаб кўтаринки руҳда қарши олмоқдалар. Ўн беш йиллик тўйга ҳозирликни нафақат ёзги ўқув мавсумидан балки ўқув йилининг илк кунларидан бошлаган Ватан ҳимоячиларининг саъй-ҳаракатлари, фидокорона хизматлари, эришилаётган юқори жанговар шайлик ва касбий тайёргарлик намуналари мазкур округга бағишланган саҳифамизда ўз аксини топган.

В школах подготовки сержантов

КУЗНИЦА МЛАДШИХ КОМАНДИРОВ

Так по праву называют Школу подготовки сержантов Ташкентского военного округа. За годы ее существования здесь подготовлено немало классных специалистов, настоящих военных профессионалов. Престиж обучения в данной ШПС еще более вырос после придания ей нового статуса, ведь теперь тут проходят второй этап повышения квалификации обладатели сертификатов выпускников и трехлетней выслуги в занимаемой должности.



– В соответствии с новой программой обучения у нас введены такие дисциплины, как идеология национальной независимости, военная педагогика, психология, основы управления воинским коллективом, управление повседневной деятельностью войск, – говорит офицер учебного отдела капитан Улугбек Ахмедов. – Увеличен объем практических занятий по огневой, тактической подготовке. А такой предмет, как горная подготовка, стал профилирующим для командиров секций десантников, разведчиков, связистов, медиков, пограничников. Начальником цикла горной подготовки назначен капитан Анвар Усманов, который в первую очередь решает вопросы укрепления учебно-материальной базы класса, повышения методического мастерства инструкторов.

Побывав на занятии по управлению повседневной деятельностью войск, проводимом преподавателем Казбеком Эгамбердиевым, с удовлетворением отметили высокий интерес курсантов к теме «Организация учета личного состава в подразделении». Причем, интерес этот был далеко не праздный, ведь младшие сержанты Шерали Хасанов и Шокир Джураев проходили службу помощниками командиров взводов по материально-техническому обеспечению. Впрочем, и для командира секции разминирования младшего сержанта Зохида Зокирова необходимо знать порядок учета подчиненного личного состава.

Всегда с большим интересом для курсантов проводит занятия начальник цикла тактики подполковник Ориф Бердибаев. За плечами офицера большой опыт службы в войсках, учеба в Академии Вооруженных Сил. Поэтому тема «Группа и секция в обороне» вызывает оживленное обсуждение в аудитории, в котором активно участвует и командир секции связистов младший сержант Шухрат Уралов. Сопровождая свой рассказ показом на макете местности, он увлекательно рассуждает о действиях своего подразделения, демонстрируя качественное усвоение учебного вопроса.

В медицинском пункте учебного заведения также созданы превосходные условия для сочетания теории с практикой. Например, фельдшеру младшему сержанту Юлдуз Байбусиновой, уже проходившей обучение в стенах ШПС, повторный курс ценен еще и получением практических навыков по физиотерапевтическому лечению пациентов.

Отрадно, что преподавательский состав школы подготовки сержантов активно принимает участие в обогащении базы учебной литературы. Например, начальником цикла военной педагогики и психологии майором Фазлиддином Нарзуллаевым издано учебное пособие под названием «Миллий истиқлол ғояси: тамоийллар ва тушунчалар», рецензентами которого выступили опытные офицеры – подполковники Рисбек Шамбетов, Бахтиер Очилов, Бахтиер Чориев, давшие высокую оценку труду коллеги.

Вот так, стремясь максимально улучшить качество обучения курсантов, трудятся здесь во имя успешного претворения в жизнь реформы Вооруженных Сил.

Идет летняя боевая учеба

ПРОФЕССИОНАЛЬНО И ЧЕТКО

В подразделении старшего лейтенанта Нурулло Саидкасымова служат только военнослужащие сержантского состава. Соответственно, и отношение к боевой учебе здесь профессиональное. В первые недели летнего периода обучения воины-узбекистанцы успешно отработали действия по сигналам боевой готовности.



Учебная тревога не застала врасплох боевую группу. Сноровисто разбирая оружие из пирамиды, личный состав спешно покидает помещение. Первый же вышедший из двери контролирует выход, давая возможность товарищу занять поблизости удобную огневую позицию. Сама жизнь показывает, что подобная осторожность необходима.

Действуя бесшумно и предельно собранно, боевая группа выходит в район сосредоточения, откуда идет распределение по постам, подлежащим охране и обороне. Тем временем радиотелефонист младший сержант Нуритдин Муйдинов получает вводную команду о «нападении» на пост. Отражение ведется младшим сержантом Сирожиддином Хусановым, на помощь которому выделен личный состав из дежурного подразделения.

По возвращении к пункту постоянной дислокации командир группы по «горячим следам» делает разбор действий каждого. Положительно отмечен сапер младший сержант Аброр Собиров, успешно осуществивший разминирование. А вот специалисту по связи младшему сержанту Аъзаму Чориеву командир напомнил о требовании максимально маскировать содержание переговоров, ведущихся с помощью портативных радиостанций.

В век развития информационных технологий связь обретает решающее значение в современном бою. Поэтому и перехват содержания переговоров может серьезно повлиять на исход боя, позволяя противнику оперативно менять расстановку сил и средств на самых важных направлениях. Умение «правильно» говорить по мобильной связи – это тоже одна из составляющих профессионализма.

Слаженность взаимодействия, умение предвидеть каждый маневр товарища по оружию, четко и умело подстраховать в нужный момент – все эти навыки отрабатывают военнослужащие в ходе своих действий по сигналам боевой готовности.

Одиночная подготовка солдат

ШАГИ К ЗВАНИЮ ДЕСАНТНИКА

В парашютно-десантной группе под командованием лейтенанта Бабура Валиева в эти дни идет напряженная работа по одиночной подготовке солдат с акцентом на новобранцев весеннего призыва. Эти юноши уверенно делают первые шаги на пути к гордому званию десантника.



У выпускника десантного факультета ЧВТКИУ 2005 года лейтенанта Б.Валиева есть уже опыт обучения солдат срочной службы в зимнем периоде обучения. К тому же у молодого офицера имеются надежные помощники из военнослужащих-сержантов. Одним из них можно по праву назвать командира секции младшего сержанта Акрома Чинникулова, который два года назад отучился в окружной школе подготовки сержантов, совершил около 20 прыжков с парашютом.

При действии личного состава по сигналам боевой готовности, наряду с доведением до автоматизма умения быстро надеть обмундирование, от солдата требуются еще четкие навыки по остальным нормативам – получение оружия, маскировка освещения спального помещения, убытие в парк боевых машин и так далее.

Укладка парашюта является одним из важнейших элементов одиночной подготовки воина «крылатой пехоты». Ведь именно от этого в определенной степени зависит успешное раскрытие купола. Не менее важно уметь быстро собрать парашют после выброски в тыл условного противника, ведь группа должна как можно быстрее покинуть место десантирования.

Из разных уголков нашей Родины собрались здесь молодые люди. Рядовой Хужамурод Кенжаев – из Джаркурганского района Сурхандарьинской области, рядовой Дониер Карабаев – из Туракурганского района Наманганской, а рядовой Караматдин Хужамуродов – из Чимбайского района Каракалпакстана. За короткое время сдружились, по-другому в десанте нельзя, так как сплоченность – одно из главных условий выполнения учебно-боевых задач. А вот у рядового Азизбека Матхаликова из Касансая уже имеется опыт совершения прыжков во время его учебы в аэроклубе.

–Я горжусь тем, что мне выпала честь служить в овеянных романтикой воздушно-десантных подразделениях, – говорит рядовой Жасур Эрлапасов из Каракалпакстана. – Уверен, что достойным служением Родине заслужу право на получение Рекомендации от воинской части.

Кстати, занятия по подготовке к поступлению в высшие учебные заведения страны для желающих получить высшее образование также включены в расписание боевой учебы. Другое дело, что Рекомендация не для всех является главным стимулом отличной службы. Например, тот же рядовой Х.Кенжаев уже имеет высшее образование: по окончании Термезского государственного университета он успел поработать преподавателем в местном колледже. Таким образом, дипломированный педагог свою службу считает серьезной школой мужества и закалки характера.



Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат

БИР ОЙДА – БИР ОЛАМ БИЛИМЛАР

Офицер Баҳодир Жўраев бошчилигидаги сафарбарлик чақируви резерви батальонида бўлганимизда, навбатдаги ойлик йиғинга жалб этилган йигитлар билан суҳбатлашгандик. Йиғин иштирокчилари бир ой мобайнида ҳарб илмидан бир олам билимларга эга бўлаётганини мамнуният ила таъкидлаб ўтишди.

Гуруҳ командири лейтенант Даврон Жўрабоёв ўтказаётган муҳандислик тайёргарлиги бўйича машғулотини кўздан кечираётиб, ёш офицернинг мустақил хизмати бошланганига атиги икки йил бўлганига қарамасдан, анча тажриба тўплай олгани гувоҳи бўлгандик. Жумладан, пиёдаларга қарши миналарнинг тузилиши ва уларни зарарсизлантириш йўллари ҳақида маълумот бераётиб, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти битирувчиси кўргазмали қуроллардан унумли фойдалана олиши кўзга ташланди.

Шунингдек, ўқув машқлари вақтида йиғин иштирокчилари профессионал ҳарбий хизматчиларнинг шахсий намунасидан кўп нарсани ўрганиб олишади. Масалан, гуруҳ командирларининг ўринбосарлари, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Икром Холбўтаев ва Воҳид Жамановлар ҳам кўпгина билим ва кўникмалар берганлиги учун ҳурмат-эътибор қозонишди. Округ сержантлар тайёрлаш мактаби битирувчилари армиямизда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

– Бизларга ҳарбий хизмат асосларидан билим ва кўникмаларни беришдан ташқари дам олиш шароитларимиз ҳам яхши ташкил этилгани қувонарлидир, – дейди Ўрта Чирчиқ туманидан келган Қудрат Аҳроров. – Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик хонасида тўпланган бадиий асарларни мутолаа қилишимиз, шоҳмот-шашка ўйнашимиз ёки миллий чолғу асбобларидан фойдаланишимиз мумкин. Ҳар якшанбада турли спорт мусобақалари мунтазам ўтказилмоқда.


Қудрат Тошкент давлат педагогика университетида ўқиб чиқиб, коллежда компьютер ва ахборот технологиялари кафедраси мудири бўлиб ишламоқда. Янги хизмат тури унга ишдан таътил олиб, ўз йигитлик бурчини ўтаб қайтишга имконият яратиб берди.

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидан келган Одилжон Иброҳимов эса Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида ёритувчи бўлиб ишламоқда. Армиямизда олиб борилаётган ислоҳотлар бўйича маълумотларга фақат телевидение орқали эга бўлган Одилжон сафарбарлик чақируви резерви бўлинмасидаги йиғинга келиб, катта таассуротлар олганини айтиб ўтди.

Бир ой мобайнида аскарлик «алифбосини» ўзлаштириш борасида бу йигитлар нафақат жанговар қуролдан моҳирлик билан фойдаланиш, балки сафда шахдам қадам ташлаш ёки ҳарбий интизомга бўйсунишни, шу билан биргаликда ҳарбий либосни тўғри кийишни, тоза ва саранжом тутишни ҳам ўрганади. Масалан, Маҳмуд Султонов каби хизматдошлари сартарошлик беминнат хизматини кўрсатиб, сафдошлари олқишларини олмоқда.

Энг муҳими, бир ойлик йиғин мобайнида барча иштирокчилар ватанпарварлик руҳида тарбияланиб, юрт равнақига салмоқли ҳисса қўшиш иштиёқида уйларига қайтишади.





Аскарлар кутубхонасида

ПОСБОН БИЛИМЛАРИНИ БОЙИТИБ

Яқинда десантчилар ҳарбий қисмида бўлганимизда, тарбиявий ишлар бўлими офицерлари посбонлар интеллектуал салоҳиятини оширишда қисм кутубхонаси мудираси Ҳилола Турсуматова салмоқли ҳисса қўшиб келаётганини мамнуният билан айтишди.

Аскарлар клубига борганимизда, кутубхонада аскарлар тўпланиб, гарнизон миқёсида бўлиб ўтадиган «Балли, йигитлар!» танловига қизғин тайёргарлик кўраётганининг гувоҳи бўлгандик.

– Муддатли хизматдаги аскарлар қисмимиз шарафини ҳимоя қиладиган экан, уларга барчамиз ёрдам беришимиз шарт, – дейди биз билан суҳбатда Ҳилолахон. – Масалан, жамоа сардори Қуролли Кучларимизда бор ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа турларини айтиши талаб қилинади. Унга билимдон офицерларимиздан бири капитан Оловуддин Сирожиддинов ўз маслаҳатларини берган бўлса, география фанидан саволларга жавоб берадиган аскарга ЭҲМ оператори Дилрабо Собирова ёрдамлашди.

Аскарларнинг севимли дам олиш масканига айнан кутубхонанинг айланиб қолишига Ҳилола Турсуматова томонидан кўрсатилган илиқ муомала, излаган адабиётлардан фойдаланиш бўйича ёрдами сабаб бўлди десак, муболаға қилмаймиз. Етти минг китобдан зиёд китоблар захирасини йилдан-йилга кўпайтириб келаётган кутубхона мудираси ўтган йилнинг ўзидаёқ ўзбек тилидаги 800 та янги китоб олишга муваффақ бўлди.

– Мен Ангрен давлат педагогика институтини тамомлаб, тарихчи касбига эга бўлганман, – дейди оддий аскар Акмал Турғунов. – Шунинг учун мени биринчи навбатда тарихий адабиётлар қизиқтиради. Ҳилола опамга раҳмат, хизматдан бўш пайтларимда кўпгина янги китобларни тавсия қилиб, армияда ҳам интеллектуал салоҳиятимни оширишга ёрдам бермоқда.

Бу аскар олий ўқув юртида ўқиб чиққан бўлса, оддий аскар Икром Маткаримов эса армиядан сўнг олий маълумотга эга бўлишни орзу қилмоқда. Икромжон армиягача Ургенчда ҳуқуқшунослик коллежини тамомлаган, келажакда айнан ушбу соҳада омадини синаб кўрмоқчи. Ҳарбий қисмда ҳукуматимиз қарорига биноан олий ўқув юртларига кириш нияти борлар учун тайёрлов курслари ташкил этилиб, посбонларга бу ишда кутубхоначи ҳам беминнат хизмат қилмоқда. Мустақил Ўзбекистон келажаги бўлмиш ёш аскарлар ҳам хизмат мобайнида заковатини чархлаб қайтиши – давр талабидир.

Саҳифани «Ватанпарвар» мухбири майор Аблай КАМОЛОВ ва Тимур КАРИМОВ (фото)лар тайёрлади.

Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига

БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА САРКАРДА

Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги республикамиздаги каби дунёнинг қўпгина мамлакатларида ҳам кенг нишонланмоқда. Мазкур сана муносабати билан илмий анжуманлар ўтказилмоқда, буюк аждодимизнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган материаллар эълон қилинаётир. Жумладан, Италиянинг Марко Поло институти томонидан нашр этиладиган "Марко Поло" журналининг 2006 йил 2-сонида махсус мақола босиб чиқарилган.
Қуйида ушбу мақола чоп этилмоқда.

2006 йил 9 апрель куни Ўзбекистонда буюк давлат арбоби ва саркарда, Европада «Тамерлан» деган ном билан машҳур бўлган Амир Темурнинг туғилганига 670 йил тўлиши кенг нишонланди.

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг илк кунларданоқ, кўп асрлар давомида аждодлар томонидан яратилган улуғ, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Машҳур давлат арбоби, Ўрта асрлар ислоҳотчиси, саркарда, адолат учун толмас курашчи, илм-фан ва маданият раҳнамоси Амир Темур даврида илм-фан, маданият ва таълим мислсиз даражада юксалди.

Сиёсий майдонга қадам қўйганида Амир Темур эндигина 24 ёшга кирганди. Мамлакат пароканда, маҳаллий сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар авж олганди. Устига устак, Чингизхон авлодлари Моваройуннаҳрга тез-тез босқин уюштириб турарди.

Тахминан бир аср давом этган бу даврда Моваройуннаҳрнинг истибдод аламини тортган оддий фуқароларидан то йирик сиёсий арбобларию дин пешволаригача жуда ҳам оғир кун кечирардилар. Жамиятга озодликка ва тараққиётга бўлган интилишларни ўзида мужассам этган халоскор, доҳий зарур эди. Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва йўлбошчи сифатида тарих саҳнасида пайдо бўлди.

1370 йилда Амир Темур Балхда бўлиб ўтган Қурултойда Моваройуннаҳрнинг улуғ амири деб эълон қилинди. Тарқоқликни бартараф этиб, айрим ўлкаларни ягона давлатга бирлаштириш Амир Темурнинг асосий мақсади эди. У давлатнинг пойтахти қилиб Сўғдиёнанинг қадимий пойтахти бўлган Афросиёб харобалари ёнидаги Самарқандни белгилади ва янги шаҳарга асос солди.

Амударё билан Сирдарё оралиғи, шунингдек, Фарғона ва Шош вилоятларини бирлаштириб ўзига бўйсундиргандан кейин Амир Темур бошқа мамлакатларга ҳарбий юришларга киришди.

Амир Темур салтанати Ўрта Осиёда 35 йил (1370-1405) ҳукм сурди. У Марказий Осиё ҳудудларини ягона марказлашган давлатга бирлаштирди, Ҳинд ва Гангадан то Сирдарё ва Зарафшонгача, Тянь-Шандан то Босфоргача улкан империя барпо этди.

Амир Темур ҳарбий юришларининг билвосита оқибатлари улкан аҳамиятга эга: у Хитойда Минь сулоласи давлат бошига келганда мўғулларнинг Хитойга солаётган хавфининг олдини олди; Олтин Ўрдани енгиб Москва Руси учун ҳам худди шундай ёрдам кўрсатди. 1402 йилда усмонлилар султони Боязид устидан Европа учун катта аҳамиятга эга бўлган ғалабани қозониб, усмонлиларнинг Константинополни истило этишларини ярим асрга суриб юборди. Француз тарихчиси Р.Груссе 20-аср бошларида «Амир Темурнинг Боязид устидан ғалабаси хриστиан оламини асраб қолди», деб ёзган эди.

Тарих Амир Темурни македониялик Искандар, Доро 1, Юлий Цезарь каби йирик саркардалар билан бир қаторга қўяди. Амир Темур мингта жанг ўтказиб бирортасида ҳам енгилмаган машҳури замон саркарда сифатида, давлат тузилиши ишларига, илм-фан, маърифат, маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб сифатида тарихга кирди.

Амир Темур тарафидан тарқоқ вилоятлар ягона давлатга бирлаштирилиб, марказий ҳокимият тузилиб барқарорлашгандан кейин, мамлакат иқтисодиёти мустаҳкамланди, савдо ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ривожлана бошлади, қўшни ва узоқдаги мамлакатлар билан савдо-хўжалик алоқалари кенгайди.

Амир Темур ҳаётлик пайтида давлат бошқаруви ҳақида «Темур тузуклари» деган номда машҳур бўлган махсус китоб ёзилган эди. Унда бу машҳур давлат арбоби ва саркарданинг ҳарбий санъатга, давлат тузилиши ва мамлакатни бошқаришга оид қарашлари акс этди.

"Куч адолатда" шиори бутун Амир Темур давлати ҳудудида ахлоқий ва маънавий мезонга айланди.

14-асрнинг иккинчи ярмида Моваройуннаҳр Яқин ва Ўрта Шарқнинг тижорат, иқтисод ва маданият марказига айланиб борди. Чингизхон қўшинлари томонидан таг-тубигача вайрон қилинган Самарқанд, Кеш, Бухоро, Термиз, Тошкент, Марв, Ҳирот каби ва бошқа қадимий шаҳарлар обод бўла бошлади. Масжиду мадрасалар, мақбаралар, карвонсаройлар ва ҳаммомлар қурилди.

Улкан ва бепоён мамлакатнинг пойтахти рутбасини олган Самарқанд, Амир Темурнинг ниятига кўра, куррайи заминдаги энг чиройли шаҳарга айланиши керак эди. Самарқанд Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёнинг энг яхши меъморлари тўпланган шаҳарга айланди. Меъмор ва бунёдкор усталарнинг баҳамжиҳат саъй-ҳаракатлари туфайли жаҳон меъморчилигида янги йўналиш пайдо бўлди ва у ижоднинг гўзал намуналарини инъом этди

Амир Темур ҳаётлик пайтида бунёд этилган ўнлаб меъморий ёдгорликлар инсон тафаккури, ақли ва салоҳиятининг беназир тажассуми эди.

Амир Темур 12-асрда яшаган ислом илоҳиётчиси, шоир ва мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий даҳосига эҳтиром кўрсатиб, унинг шарафига Туркистон шаҳридаги кичик дахма устида улуғвор мақбара бунёд эттирди. Мақбара бугунги кунда ҳам ўзининг салобати, кўрки ва ажойиб сопол безаклари билан кишини ҳайратлантиради.

Хожа Аҳмад Яссавий адолатни, инсоннинг ахлоқий покланиш ва комилликка эришиш ғояларини тарғиб этгувчи сўфийликнинг "яссавия" тариқати асосчиси эди. Амир Темур Хожа Аҳмад Яссавийни ўзининг пири деб билар, динга кишиларни маънавий ва ахлоқий камолотга етакловчи, мамлакат куч-қудрати ва улуғворлигини мустаҳкамловчи куч сифатида ёндашарди.

15-аср тарихчиси Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур «ободончиликка арзийдиган бир қарич ҳам ер бўш қолмасин», деб қайғурарди.

Улкан ва қудратли салтанат барпо этган Амир Темур янгича тарихий вазиятда мамлакатда маънавиятнинг гуллаб-яшнаши, юксалиши ва ўтмиш даврларнинг олий анъаналари тикланиши учун шарт-шароит яратди. Амир Темур ва Темурийлар сулоласи вакилларининг гуманитар соҳаларга алоҳида эътибори туфайли XIV-XVI асрларда юксак илмий ва ижодий ютуқларга эришилди.

Амир Темур ва Темурийларнинг аёлларга бўлган меҳрибонларча муносабатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Амир Темур ўзининг суюкли рафиқаси Бибихоним шарафига Самарқандда улуғвор жоме масжид қурдирди. Бибихоним номи билан аталувчи бу масжид Амир Темур даврининг энг маҳобатли биноларидан бири саналади. Масжид 1399-1404 йилларда қурилган ва ҳозирга қадар яхши сақланган. Буюк бобокалонидан ўрнак олган бобурий Шоҳжаҳон суюкли рафиқаси Мумтоз Маҳал бегим учун 1652 йилда мақбара – дунё мўъжизаларидан бирига айланган нодир меъморий ёдгорлик қурдирди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида адабиёт, амалий ва тасвирий санъат ривожланди. Айниқса, исломга қадар мавжуд бўлган деворий монументал расм ва китоб миниатюраси санъати юксалди.

Амир Темур тарихда моҳир дипломат ва давлатлар ўртасида яхши муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш тарафдори сифатида чуқур из қолдирди. У Европа ва Осиё ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишларни амалга оширди. Соҳибқирон дунёнинг турли мамлакатлари билан алоқалар ўрнатди: бир тарафдан – Хитой, Ҳиндистон, иккинчи тарафдан – Франция, Англия, шунингдек, Усмонлилар империяси, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар.

Амир Темур савдо-иқтисодий муносабатлар орқали халқлар ва мамлакатлар орасида ягона макон яратишда мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. У Испания қироли Генрих III, Франция қироли Карл IV, Англия қироли Генрих саройларига элчилар йўллади, айни пайтда ўз саройида испан, француз, инглиз, хитой ва бошқа хорижий мамлакатларнинг элчиларини қабул қилди.

Амир Темур умрининг кўп қисмини юришларда ўтказди. Шарққа қилган юриши пайтида Амир Темур 1405 йил 18 февраль куни Ўтрор шаҳрида вафот этди. Унинг жасади Самарқандга олиб келиниб, 23 февраль куни Гўри Амирда, набираси Муҳаммад Султон дахмасида дафн қилинди.

Европалик олимлар Амир Темур ва унинг фаолияти ҳақида бундан тўрт юз йил илгари гапира бошлаган эди. 1553 йилда Флоренция (Италия)да итальян олими Перондино қаламига мансуб «Скифлик буюк Тамерлан» китоби босилиб чиқди. Бу Европада Амир Темур ҳақидаги илк илмий тадқиқот ҳисобланади.

Европа тилларида (испан, инглиз, француз) эълон қилинган ёзма манбалар ичида биринчи ўринда испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406)" туради. Буюк Рембрандт Бобурийлар замонидаги ҳинд миниатюраларидан илҳомланиб, Амир Темурни унинг ворислари Умаршайх, Заҳириддин Бобур, Ҳумоюн ва Акбар даврасида тасвирлайди.




XVI асрда яшаган машҳур инглиз шоири ва драматурги Кристофер Марлонинг «Буюк Темур» номли трагедиясида ёш Темурбек ўзининг тенгсиз ақли, салоҳияти ва шижоати билан жаҳон тарихидаги қудратли подшолардан бирига айланган намойиш этилган. Трагедия XVII асргача саҳнадан тушмай, Англияда театр мавсумини бошлаб берган.

Бир неча европалик бастакорлар операларда Амир Темур образини яратганлар. XVII аср бошида итальян бастакори Гаспирни «Тамерлан» операсини яратди. Мазкур опера Вена театрида саҳна юзини кўрди. Бастакор Лео уни Неаполь театрида саҳналаштирди. Антонио Вивальди, Сколари, Гендель ва бошқа бастакорлар ҳам бу мавзуда мусиқа асарлари яратганлар.

Бугун жаҳоннинг элликдан ортиқ мамлакатида темуршунос олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Темур ва Темурийлар даврига бағишланган кўплаб китоблар чоп этилмоқда. Ўтган олти юз йил мобайнида Европа тилларида Амир Темурга бағишлаб ёзилган салмоқли асарларнинг сони 500 га етди, Шарқ тилларида эса 900 дан ошди.

Русчадан М.АҲМЕДОВ таржимаси.



ЖАЙХУН СОҲИЛИДА БИР ГАВҲАРДИРСАН

Шаҳар ва қишлоқларимизни кезган киши истиқлол нафасини, айниқса мустақиллик туфайли юртимиз жамоли кундан-кунга чирой очиб бораётганини ҳис қилади. Бунинг замирида улкан бир куч — бунёдкорликни англайсиз. Ҳа, баралла айтиш мумкинки, истиқлол халқимиз қонидаги бунёдкорона кучни уйғотди. Яратиш, яшнатиш завқини ҳосил қилди, кўнгилларда. Келинг, буни истиқлолнинг 15 йиллик тўйини муносиб кутиб олишга шайланаётган Қорақалпоғистон Республикаси мисолида кўриб ўтайлик.

Нукус кўчаларида кезган киши республикада бўлаётган улкан ўзгаришларни қалбан ҳис қилади. «Жайхун соҳилидаги гавҳар» сифатида эътироф этиладиган бу шаҳарнинг 70 йиллик тўйида Президентимиз қорақалпоқ халқи ҳақида шундай сўзларни айтганди: **«Қорақалпоқ деганда, бу заҳматкаш халқнинг ўзига хос хусусиятлари, элни эл, юртни юрт қиладиган фазилатлари ҳақида гапирганда, аввало бизнинг кўз олдимизга ўзининг узоқ тарихи давомида кўп азоб-уқубат, қирғин-қатағонларни бошидан кечирган, қанча-қанча оғир йўлларни босиб ўтган, чидамли ва бағрикенг, мард ва матонатли бир халқ сиймоси пайдо бўлади.**

Агар биз она заминга, Ватанга меҳр ва садоқат ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биринчи галда, саҳро қуёши, гармсел ва изғирин шамолларида тобланган, оғир табиий шароитда ҳам ўз юртининг тупроғини кўзига тўтиё қилиб, келажакка ишонч билан яшаётган қорақалпоқ эли ҳақида гапиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан».

Ҳа, қорақалпоқнинг қалбига, юрагига назар ташламоқчи бўлганлар унинг асрлар давомида яшаб келаётган ўлмас, гўзал достонлари — «Қирқ қиз», «Шаҳриёр»ларга мурожаат қилишлари мумкин. Ажиниёз, Кунхўжа, Бердақ каби улкан шоирларининг асарлари орқали бу халқни ўзлари учун янада яқинроқ кашф қилишлари мумкин. Негаки, қорақалпоқ азалдан санъатга, маънавиятга, маданиятга ташналиги билан ажралиб турган.

Аввало бир саволга — Қорақалпоғистонга, қорақалпоқ элига Мустақиллик нима берди, деган саволга ойдинлик киритиб ўтсак. Таъкидлаш жоизки, республика бунёдкорона ўзгаришлари билан гуллаб-яшнаб бормоқда. Масалан, йилига 100 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган Қўнғирот сода заводи нафақат қорақалпоқликларнинг, балки бизнинг ҳам фахримиз, ғуруримизга айлангани ҳақиқат. Негаки, бу минтақамиздаги ягона заводлардан бири сифатида эътироф этилади. Ёки бўлмаса булар қаторига Хўжайлидаги шиша ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий заводни, «Элтекс», «Катекс» ишлаб чиқариш мажмуаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Шунингдек, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги мармар ва кабель заводлари, «Марказий Осиё безак тошлари» қўшма корхонаси мисолида истиқлол сабаб бўлаётган улкан ўзгаришларни ҳис қиласиз.

Фикримизни айрим рақамлар мисолида давом эттирсак. Истиқлол сабаб республикада шу кунга қадар 47 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган. 1991 йилда йилига 17 миллион дона ғишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод ишга туширилган, 1992 йилда Нукусда бир кеча-кундузда 130 тонна ун тайёрлай оладиган тегирмон ишга туширилганини айтиб ўтиш мумкин. 2003 йилда эса Хўжайлида соатига 1150 шиша ёғ ишлаб чиқарадиган қўшма корхона фойдаланишга топширилди. Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга республикада кенг эътибор қаратилаётганини мавжуд 17402 та тадбиркорлик тузилмаларидан билиб олса бўлади.

Истиқлол сарҳисобидан сўз очиладиган бўлса, аср қурилишларидан бири бўлган янги темирйўл тизимини алоҳида таъкидлаш лозим. Юртбошимиз ташаббуси билан 1995 йилдаёқ лойиҳалаштирила бошланган темирйўл тизими бугун қорақалпоқликларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилмоқда. Эсингизда бўлса, 2002 йилда илк бор ўз йўлимиздан Қорақалпоғистонга поезд кириб келганди. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бу йўл республикани мамлакатимиз пойтахти, Қозоғистон, Россия, Тожикистон билан боғламоқда. Ҳа, фахр, ғурур билан айта оламизки, «Учқудуқ –Мискин–Султон-Увайс-тоғ–Нукус» темирйўли ўтган аср охири ва янги аср бошидаги ўзига хос бир мўъжиза бўлди.

Харита орқали Устюрт кенгликларига боқар эканмиз, беихтиёр бу ўлканинг беҳисоб табиий бойликлари кўз олдимизга келади. Тупроғи зар Қорақалпоқ ўлкаси-да, ахир. Бугун бу ҳудудда Россиянинг машҳур «Газпром», «Лукойл» корхоналари фаолият олиб боришмоқда. Яқинда Кореянинг нефть ва газ миллий корпорацияси геология-қидирув ишларини бошлаш арафасида.

Республикада қишлоқ хўжалиги ҳам изчил ривожланиб бораётгани қувонарлидир. Мустақиллик сабаб меҳнаткаш халқда ерга эгалик ҳисси тобора ортмоқда. Масалан, 2005 йилда республика давлатга пахта сотиш режасини 26 сентябрдаёқ уддалади. Фермерликка эътибор ортаётганини ҳам таъкидлаш мумкин. 1991 йилда мингга яқин деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият юритган бўлса, бугунга келиб, бу кўрсаткич 8294 тани ташкил қилмоқда. «...Ўтган икки йил мобайнида республикада 137 та ҳайдов, 36 та «Алтай» ва 271 та қатор ораларига ишлов берадиган «ТТЗ-80-11» трактори харид қилинган. Айнан техника сотиб олиш учун 6,7 миллиард сўм ишлатилган. Бундан ташқари, фермер хўжаликларига лизингга ҳам техникалар етказиб берилмоқда», – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Сенатор, «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги раиси Ағитой Адилов фермер хўжаликларига эътибор борасида гап кетганда.

Маълумотларга кўра, айни пайтда республикада 754 та умумтаълим мактаби, 6 та академик лицей ва 72 та касб-ҳунар коллежлари фаолият юритиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга кенг татбиқ этилишида, ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига содиқ, баркамол этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, қорақалпоғистонлик ёшларнинг олий таълим олишлари, турлича мутахассисликларни эгаллашларида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Ажиниёз номидаги Нукус педагогика институтининг, шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент аграр университети каби нуфузли олий ўқув масканларнинг республикадаги бўлимлари алоҳида аҳамиятга эга.

Йилдан-йилга ўзгача чирой очиб бораётган Нукус шаҳрига амфитеатр, Бердақ номли музей, замонавий теннис корти, Савицкий номли музейнинг янги биноси янада файзу тароват бахш этиб турибди.

70 йиллик тўйи муносабати билан Нукус шаҳрининг «Дўстлик» ордени билан мукофотлангани заҳматкаш, бағрикенг халққа берилган эътиборнинг яна бир намунаси бўлди, десак муболаға қилмаймиз.

Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамонлари Тўлапберган Қаипберганов, Иброҳим Юсупов каби зиёлиларнинг ёшларни, хусусан, ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек эзгу ишдаги фидойиликларини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Президентимизнинг шундай гаплари бор: «Ишонаман, қорақалпоқ диёрининг келажаги, албатта, ёруғ бўлади, қорақалпоқ эли бутун халқимиз қатори ўз олдига қўйган буюк мақсадларига, албатта, етади». 15 йил ичида республикада амалга ошган беҳисоб янгиланишлару ўзгаришларни кузатар экансиз, айтилган ана шу гапнинг моҳияти яна бир бор хаёлингизга келади.

Сафар АЛИ.

Тарбия муаммолари ва тажриба

ИНСОНГА ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР

Қуролли Кучларимиз жангчилари ёзги ўқув мавсуми бошланишини жанговар шайликни янада ошириш ва низомий тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги ўзаро мусобақанинг қизғин ва жўшқин суръатлари билан кутиб олишди. Улар касбий маҳоратларини мунтазам ошириб бориш йўлида ўз куч-ғайратларини аямаяптилар, жанговар навбатчилик, қоровуллик ва ички хизматни ҳушёрлик билан ўташмоқда, ҳарбий интизом, уюшқоқлик ва низомий тартиботни мустаҳкамлаб бормоқдалар. Таълим ва тарбия беришда аввалдан тўпланган илғор тажрибалардан фойдаланиш, муҳим аҳамият касб этувчи маънавий-ахлоқий тарбияни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу, айниқса, ҳозирги вақтда, яъни қисм ва бўлинмалар сафлари ўзига катта эътибор қаратилишини талаб этувчи ёш аскарлар билан тўлдирилган даврда долзарб аҳамият касб этади.

Умуман тарбия ва, шу жумладан, ҳарбий тарбия – жуда мураккаб вазифа. У турли кишилар, турли характерлар ва ҳарбий хизматга бўлган турлича инсоний қарашлар билан боғлиқлиги сабабли, ҳаётда учрайдиган ҳар бир ҳолат учун тайёр андоза йўқ. Айнан шу вазиятда илғор тажриба, амалий синовдан ўтган билимлар, ўтмишдошлар эришган натижалар принципиал аҳамиятга эга бўлади.

Бир вақтлар ёш офицер билан ҳарбий хизмат тўғрисида, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш йўллари борасида суҳбатлашганимда, унинг гапларида қандайдир ишончсизликни ҳис қилган эдим. Худди офицер боши берк кўчага кириб қолгану, бу кўча унга лабиринтдек кўриниб, ундан қандай чиқиб кетишни билолмай қийналаётгандек тасаввур пайдо бўлган эди. Табиийки, бу суҳбат кишини фикр юритишга мажбур этарди: агар бундай тарбиячилар кўпчиликни ташкил қилсачи? Демак, бу ҳақда жиддий, қўлда фактларга эга бўлган ҳолда гап юритишга тўғри келади, шекилли.

Кўп йиллик хизмат тажрибамдан шуни яхши биламанки, қўл остидагиларни қанча яхши ўргансанг, уларга таъсир кўрсатиш шакллари ва услубларини шунча яхши аниқлаб, белгилаб олиш мумкин. Бироқ, бу ҳали ҳаммаси эмас. Тарбиявий ишнинг таркибий қисмида ҳар бир инсон қалбига йўл топа билиш, уни тушуна олиш ва унга ўзини кўрсатиш имкониятини бериш маҳорати муҳим ўрин эгаллайди. Аниқроғи, унга мустақил равишда ўзи устидан ҳеч бўлмаганда кичик ғалабага эришиш имконини бериш. Бу айниқса ёш аскар учун жуда муҳим.

Хизматга эндигина келган аскар бирон-бир янгиликка ёки жанговар техника, қуроллар, ўз ҳарбий мутахассислигини эгаллашда унинг учун кутилмаган мураккабликларга дуч келганида, унинг онгида руҳий кураш бошланади. Бир томондан – ҳамма нарсани қисқа муддатларда билиб олиш, ўрганиш истаги. Бошқа томондан эса – буни мен эплай олармиканман, деб иккиланиш, шубҳага тушиш. Бунда шубҳаланиш турлича намоён бўлади. Шу сабабдан аскарга ўзини кўрсатиш учун имконият бериш, ушбу руҳий курашдан чиқиш ва ўз устидан ғалаба қозониш йўлларини кўрсатиб бериш зарур. Ана шу ишни амалга ошириб, унга жангчи характерини ривожлантириши, шахс сифатида шаклланиши учун жуда муҳим бўлган юксак маънавий-ахлоқий куч бериш мумкин.

Тарбия жараёнида кўпинча жангчининг ақлий салоҳиятидан хизмат манфаатларида максимал даражада фойдаланиш учун нима қилмоқ керак, деган савол юзага келади. Бу маънода оддий аскар В.Пугачевнинг хизмат фаолияти намуна учун қўл келади. Хизматга чақирилишидан аввал у чилангар-йиғувчи бўлиб ишлаган. Завод футбол жамоасининг етакчи ўйинчиларидан бўлган. Умуман олганда, кўзга ташланиб турадиган йигит бўлган. Мана энди армияга келди ва қўлда бошқариш оператори вазифасига тайинланди. Бу жуда ҳам масъулиятли мутахассислик бўлиб, жангчидан нафақат билимларни, шунингдек, бор кучини сарф қилишни ҳам талаб қилади. Операторлик ишининг ўзи – бу санъат бўлиб, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Аввалига ушбу мутахассисликни эгаллаш борасида қийинчиликларга дуч келган йигит иккилана бошлади.

Бўлинма командири оддий аскар Пугачев тутган йўлининг бўшлиги ва қалтислигини кўриб, сержантга бунинг сабаби нимада эканлигини тушунтириб берди. Сабаб эса Пугачевнинг характерида ҳарбий хизмат билан учрашувга тайёр эмаслик намоён бўлганида эди. Шу сабабдан аскар билан бошқача иш олиб боришга тўғри келди. Сабаблардан огоҳ бўлган сержантларга ҳам, офицерларга ҳам индивидуал тарбиявий жараённи олиб бориш анча енгил кечди. Бу жараёнда аскарга, унинг мақсадга интилувчан ва қатъиятли бўлишига янада катта эътибор қаратилди. Натижа эса ўзини кўп куттириб қўймади. Хизматнинг биринчи даври охирига келиб Пугачёв яхши тайёргарликка эга бўлган мутахассисга айланди. Кейинчалик эса жанговар зенит-ракета отиш машқларида ўзини кўрсатди, жанговар ўқув аълочисига айланди.

Резервга бўшатилаётган Пугачёв аввало ёш аскарларга мурожаат қилиб:

– Командирлар мени ўзимни тута билишга, хатти-ҳаракатларимни таҳлил қилишга, қийинчиликларни енгиб ўтишга, Ватанимиз хавфсизлиги борасида ўз шахсий масъулиятимни чуқур англашга ўргатишди, – деди.


Аскарнинг хулқи, юриш-туришидаги бундай ибратомуз ўзгаришлар командирлар уни яхшилаб ўрганишганликлари сабабли юзага келди. Улар аскарнинг кучли ва заиф томонларини синчиклаб ўрганишди ва унинг ижобий жиҳатларига таяниб, билимли, иродали, ҳар томонлама яхши тайёргарликка эга бўлган жангчини, Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячисини тарбиялашга эришишди.

Шуни ишонч билан айта оламанки, бугунги кунда хизматнинг руҳий-педагогик асосларини яхши ўзлаштирган ва шахсий таркиб билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни моҳирона ташкил эта оладиган офицер ва сержантлар кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг ҳар бири ўз услуби бўйича ишлайди, аскар қалбига ўзича йўл топади, аммо уларнинг барчасини бир мақсад – инсонга эътибор, уни тушуниш маҳорати ва унга жангчи-профессионал бўлишда ёрдам бериш мақсади бирлаштиради. Аскарлар бундай тарбиячиларни нафақат ҳарбий хизмат даврида ҳурмат қиладилар, балки резервга бўшатилганларидан сўнг ҳам уларни худди ўз яқинларини эслаётгандек фахр билан ёдга олишади.

Ёш офицер ва сержантларга мурожаат қилиб, улардан ҳеч бири катта ўртоқлар тўплаган тажрибага аҳамиятсиз бўлмаслигини, аксинча, уни чуқур ўрганишни, уларнинг ишига синчков назар билан қараб, тарбиявий ишнинг энг қадрли, ҳаёт ва амалиётда пухта синалган жиҳатларини ўзларига ўзлаштириб олишларини истар эдим.

Катта аҳамиятга эга бўлган яна бир омилни таъкидлаб ўтиш зарур. Қўл остидагилар билан ишлашда ижобий жиҳатларга таяниш билан бир қаторда, доимо командирлик иши амалиётида умумэътироф этилган, ҳарбий жамоаларда қуриладиган ўзаро муносабатларнинг пойдевори бўлган қоидаларга катта эътибор қаратиш зарур. Биринчидан, юксак, адолатли низомий талабчанлик ва қўл остидагилар борасидаги доимий ғамхўрлик. Иккинчидан, аскарларнинг бутун ҳаёти ва турмушини Умумҳарбий низомлар талабларига қатъий мос равишда ташкил қилиш. Учинчидан, низомлар талабларининг барча ҳарбий хизматчилар томонидан қатъий ва ўз муддатида бажарилиши. Ва тўртинчидан, барча командирлар ва бошлиқларнинг индивидуал тарбиявий ишларни олиб бориш маҳорати.

Офицер ва сержантларнинг тарбиявий ишлар арсеналида кўплаб турли шакл ва воситалар мавжуд. Олдинги ўринлардан бирида гўё энг оддийдек кўринадиган, бироқ шу билан биргаликда энг мураккаб бўлган шакл – аскар билан суҳбат туribди. Шуни қайд қилиш керакки, инсон билан яккама-якка суҳбат қуриш маҳорати – бу албатта ўрганиш зарур бўлган санъатдир. Бунда кенг ижтимоий-сиёсий ва маданий дунёқараш, ҳарбий хизмат масалаларини чуқур билиш, қўл остидагиларнинг ўзига хос индивидуал хусусиятларини ўрганиш ва суҳбатни йўлга қўйиш маҳорати, уларнинг оилавий аҳволи ва ёшлар учун яқин бўлган мавзуларни билиш зарур бўлади. Яна шуни кўзда тутиш лозимки, суҳбат аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши ҳамда ўзида юксак маънавий салоҳиятни мужассам этиши керак.



Тарбия иш муваффақиятли бўлишининг муҳим шартларидан бири офицер ёки сержантнинг ўз қўл остидагиларга яқин бўлишидир. Уларга аралашиб кетиш, улар билан ошна-оғайнигарчилик қилиш эмас, балки маънан яқин бўлиш. Уларнинг талаб ва эҳтиёжларини билиш, ўз вақтида ёрдамга кела олиш, улар учун намуна, ибрат бўлиш. Офицер, сержант учун аскарга нисбатан ҳурмат, оталарча муносабат Ватанга муҳаббатнинг намоён бўлиши эканлигини ёдда тутиб, аскарни ҳурмат қилиш.

Бошқача айтганда, қўл остидагиларга ҳурмат – бу ҳарбий жамоадаги ишчан, ижодий шароитнинг муҳим замини бўлиб, у жамоада маънавий-руҳий муҳитни яратади, аскар ҳаётини қизиқарли, мазмунли қилади, жанговар ўқув ва ҳарбий хизматни ўташда энг юқори муваффақиятларга эришиш сари ундайди.

Умуман олганда, тарбиялаш ишида, юксак касбий маҳорат, профессионализм учун курашда бўлганидек, ўз ишини моҳирона билиш ва доимий изланиш зарур бўлади. Изланиш – бу эртанги кунга боришнинг ўрганилмаган бўсағаларини ўрганишдир. Ахир биз инсонларни жанговар синовларга тайёрлаймиз. Замонавий жанг эса – жуда тезкор. Унда офицер, сержант меҳнатининг натижалари: қўл остидагиларнинг жанговар маҳорати, бўлинманинг уюшқоқлиги ва жанговар матонати, шахсий таркибнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, унинг Ватанга, халққа ва Президентга садоқати намоён бўлади. Буларнинг барчасига юқори сифатли жанговар тайёргарлик ва мақсадга йўналтирилган тарбиявий иш орқали эришилади. Уларни ташкил қилиш ва Президент, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони, Мудофаа вазирининг талабларига мувофиқ равишда олиб бориш – ҳозирданоқ душман устидан ғалабани таъминлаш, мамлакат мустақиллиги, унинг ҳудудий яхлитлиги ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга шай бўлиш демакдир. Биз фақат шунга интилишимиз ва қўйилган мақсадга эришиш йўлида ҳаракат қилишимиз лозим.

Истеъфодаги полковник
Анфим ХЛИЗОВ.

Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида

ШУКУҲЛИ ЎТГАН ТАНТАНА

Тошкент олий ҳарбий техника билим юртининг навбатдаги битирувчиларига диплом ҳамда кўкрак нишонларини тақдим этиш муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда ИИВ генераллари, масъул офицерлар, фахрийлар, ота-оналар, битирувчиларнинг дўст-яқинлари ва оммавий ахборот воситаси ходимлари ҳамда бошқа меҳмонлар иштирок этишди.



Мустақил юртимизнинг яна бир нуфузли илм даргоҳида тўрт ва беш йил мобайнида таҳсил олиб, бундан буён халқимиз хизмати йўлида шараф билан бурчини адо этишга чоғланган лочинларни кузатарканман, уларнинг қалб-шуурида шижоат, ғайрат ва жасоратга, матонатга ташналик туйғуларининг ифодасини кўрдим. Айниқса, майдон узра бургутлардек саф тортган билим юрти шахсий таркибига назар ташлаётган ота-оналарнинг дилларини ғурур, шодлик мавжлари қамраб олганди. Ахир жисмонан ва жанговарлик жиҳатидан пишиб-тобланган, билим-салоҳияти етук, маънан баркамол фарзандларига қараб қувонмай бўладими, азиз ота-оналар! Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бу кунни билим юртида таҳсил олган ҳар бир ўғлоннинг ота-онаси ва яқинлари интиқлик билан кутишганди.

Ниҳоят, тадбир бошланди. Билим юрти бошлиғи генерал-майор Шуҳрат Ниёзов тантанани кириш сўзи билан очаркан, битирувчиларни табриклаб, уларга келгуси хизмат фаолиятларида омадлар тилади. Ёш офицерларга диплом ҳамда кўкрак нишонлари тарқатиб бўлингач, Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Б.Матлюбов, ИИВ фахрийлар кенгаши раиси истеъфодаги генерал-майор Ғ.Раҳимов, ота-оналар номидан имтиёзли диплом соҳиби лейтенант Жаҳонгир Холматовнинг онаси Азиза Холматова, битирувчилардан лейтенант Жамшид Абдуллаевлар сўзга чиқишиб, бугунги шодиёна билан барчани қизғин муборакбод этишди ва ўз дил истакларини йўллади.

– Ўғлим бу соҳага ёшлигидан қизиқарди, – дейди биз билан суҳбатда Азиза опа Холматова. – Шу боис ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи лицейда таҳсил олди. Кейин эса муддатли ҳарбий хизматни ўташга йўл олиб, айнан шу ерда аскарлик бурчини адо этди ва меҳнатлари зое кетмаган экан, курсант бўлди. Бугун эса унинг битирув шодиёнасида иштирок этаётганимдан беҳад хурсандман. Ўғлимнинг қувончига шерик бўлиш учун барча оила аъзоларимиз билан атай Фарғонадан етиб келдик. Унга ва барча сафдошларига юртимиз оналари номидан энг эзгу дуо-тилакларимни йўллаб қоламан.

– Билим юртини ИИВ қўшинлари тактик тарбиявий қўмондонлиги мутахассислиги бўйича битирдим, – дейди эндигина лейтенант бўлган, кўз қарашларидан қувончи акс этиб турган Абдуҳамид Алибоев. – Олган билимларимни ҳаётга тадбиқ этиб, юртимиз осойишталиги йўлида виждонан, сабот билан хизмат қиламан. Бизга шундай имкониятлар яратиб берган ва ишонч билдирган давлатимиз раҳбариятига, сабоқ берган устозларимизга, қувончимизга ҳамдам бўлган иштирокчиларга ташаккурим чексиз.


Расмий қисм поёнига етгач, ёш офицерларни қутлаш учун ота-оналар ва дўст-яқинларга навбат берилди. Яқинлари билан ўз шодликларини баҳам кўраётган, зафарнинг илк довонини муваффақиятли босиб ўтган шунқорларнинг хурсандчилиги чексиз эди. Кейин эса байрам билим юрти клубида давом этди. Таниқли санъаткорлар ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар иштирокчиларнинг қувончларига янада қувонч улашди.

Катта лейтенант Сардор КОМИЛОВ.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

Ҳарбий факультетларда

ҲАРБ ИЛМИНИНГ АЛИФБОСИ

Ёшларнинг ҳарбий хизматга тайёрланиб бориши ҳамда бу йўлда илк қўникмаларни эгаллашида юқори синфларда ўтиладиган чақириққача бошланғич тайёргарлик фанининг муҳим аҳамияти бор. Фан ўқитувчиларининг соҳани қанчалар мукаммал эгаллагани, тажриба ва малакаси бу ўринда алоҳида эътиборни тортади. Бугун республикамизнинг Фарғона, Тошкент ҳамда Бухоро шаҳарларидаги университетларда мазкур соҳа бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Яқинда Бухоро шаҳрида хизмат сафарида бўлганимда, Бухоро давлат университетининг ҳарбий факультети фаолияти билан танишдим.



Бухоро давлат университети ҳарбий факультетини ҳам бугунгача кўплаб йигитлар битириб чиқишган. Улар айни кунда таълим муассасалари билан бир қаторда жанговар сафларда ҳам хизмат қилишмоқда. Факультетда кўргазмали қурол ҳамда воситалар билан жиҳозланган ўқув хоналари, музей (ҳарбий соҳанинг кеча ва бугуни ҳақида кўникма берувчилар) ва кутубхона ҳам бор. Талабаларга машғулотларни офицерлар, резервга бўшатилган ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқаро ўқитувчилари олиб боришади. Подполковник Комил Аллаев тактик тайёргарликдан, майор Абдуқаҳҳор Исмоилов «Ҳарбий қисмларда тарбиявий ишлар услуби», майор Эркин Қурбонов топография илмидан, «Чақириққача ёшларни тайёрлаш этикаси» фанидан майор Луқмон Икромов, ўқ отиш тайёргарлигидан резервдаги катта лейтенант Яхши Файзиев, «Умумҳарбий низомлар»дан резервдаги катта лейтенант Эркин Эшев ва бошқалар сабоқ бериб келишмоқда. Бундан ташқари ҳарбий қисм ҳамда муассасалар билан ҳам доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

– Факультетимизга Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ бошқармаси, гарнизон ҳарбий қисм ва муассасалари ҳамда университет ректорати жуда яхши ёрдам кўрсатиб келмоқда, – дейди биз билан суҳбатда факультет бошлиғи вазифасини бажарувчи подполковник Эркин Тагиев. – Қандай амалий кўмак сўрасак, сира йўқ дейишмайди. Шу ўринда газета орқали уларнинг барчасига раҳмат деб қоламан.

Айтиш мумкинки, ҳарбий факультетни битирганларни университет иш билан таъминлашга ҳаракат қилиши ҳам эътиборли жиҳатлардан. Иш билан таъминлаш масаласи маориф бошқармалари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

– Талабалар орасида билими, тартиб-интизоми ва интилувчанлиги билан бошқа тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётганлари кўп, – дейди факультет бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи майор Абдуқаҳҳор Исмоилов. – Айниқса, бу ўринда ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар номини фахр билан тилга олсанг арзийди. I курс талабаси Акмал Азимов, II курсдан Дилмурод Бекбулатовлар ана шундай етакчи талабалардан. Шунингдек, Жасурбек Латипов, Алишер Худойназаров, Мэльс Бозоровлар ҳам аълочи, жамоатчи ва фаол талабалардир.

Факультет кутубхонасида бўлганимизда, мудира Нилуфар Файзиеванинг талабаларга имкон қадар сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Аммо мудирага бир оз ноқулайлик туғдираётган жиҳат ҳам бўлиб, бу камчиликдан кўз юмиб ўтиб кетиб бўлмайди.

– Мавжуд 1100 китобнинг 283 таси ҳарбий адабиёт, – деди у. – Қолганлари эса бошқача асарлар. Янги дарслик ва қўлланмаларга, асарларга эҳтиёж катта. Айниқса, давлат тилидаги янги чоп этилган ҳарбий адабиётларга. Шу муаммо бартараф этилса, ҳарб илмининг алифбосидан сабоқ берувчи ўқитувчилар тайёрланадиган даргоҳда ҳам имкон қадар билим манбалари кўпайса, нур устига аъло нур бўларди. Тез кунда бу муаммо ҳам ечимини топишига умид қилиб қоламиз.

Катта лейтенант Яшин КОМИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Аскар уйига қайтди

ЭЗГУ МАҚСАДЛИ ЎҒЛОН

Муддатли ҳарбий хизматдан қайтган йигитнинг юриш-туриши, гап-сўзлари ва феъл-атворидаги ижобий ўзгариш яққол кўзга ташланади. Энди унга кечаги бўз бола деб эмас, балки Ватан олдидаги ўз бурчини ёруғ юз билан ўтаган асл эр йигит, дея ҳурмат кўрсатишади.

– Ҳар бир яхши натижанинг асоси аввало тартиб-интизом эканлигини мен ҳарбий хизматим давомида чуқур англаб етдим, – дейди биз билан суҳбатда яқиндагина муддатли ҳарбий хизматни тўпчилар қисмида ўтаб, резервга бўшатилган тошкентлик посбон Равшан Одилов. – Ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан дала-ўқув машғулотлари, ижтимоий-сиёсий тайёргарликда аъло натижа кўрсатган сафдошларим қатори менга ҳам Тавсиянома топширилганлигидан беҳад мамнунман.

Ёшлигидан ўзининг меҳнатсеварлиги, маҳалла ҳаётидаги турли тадбирларда фаол иштироки билан бошқа тенгқурларидан ажралиб турган Равшанбек ҳарбий хизматда ҳам жамоа ишончига тезда сазовор бўлди. У назарий ва амалий машғулотларда, синов майдонларида эришган ютуқлари билан доимо олдинги сафларни эгаллаб келди. Хизмат сўнгида эса унинг ўз олдига қўйган мақсади янада қатъийлашди. У отаси Адҳам ака сингари ички ишлар ходими бўлиб, халқ осойишталигини сақлаш учун камарбаста инсон бўлишни мақсад қилди.

Аскарлик даври тугаб, йигитлар ўз уйларига, ота-оналари бағрига қайтдилар.

– Шу куни қувончим бир олам бўлди, негаки, бир йил соғиниб кутган кенжатойим кўзни қувонтириб, ўзига ярашган ҳарбийча либосда уйга кириб келди, – дея ўғлини бағрига босади Равшаннинг онаси Мунира опа. – Ўғлим олдингидан кўра анча сипо, оғир, вазмин, гапини ўйлаб гапирадиган, меҳрибон йигитга айланибди ва ҳар томонлама чиниқибди. Бу эса армиянинг йигитлар ҳаётида нақадар муҳим аҳамиятга эгалигидан далолат беради.

Равшан ҳозирда Ички ишлар вазирлиги Академиясининг талабаси бўлиш ҳаракатида синов имтиҳонларига тайёргарлик кўрмоқда.

Қисқа тарзда бўлиб ўтган суҳбатимиз давомида, армия асл эр йигит учун чин маънода ҳаёт мактаби вазифасини ўташига яна бир карра амин бўлдик. Зеро, бу мактаб сабоғини олган ўғлонлар катта ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайдилар.

Толиб ДАВРОНОВ.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Ҳарбий техника шарҳи

УФҚОРТИ ТИЗИМЛАРИ ВА АНИҚЛАШ ВОСИТАЛАРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳаво-ракета ҳужуми воситаларининг дунё бўйлаб кенг тарқалиши миллий давлатлар ҳудудларида жойлашган объектларга ҳам, улардан ташқарида жойлашган қўшинларга ҳам зарба бериш хавфи ошиб боришига олиб келмоқда. Бундай шароитларда ҳарбий ҳаракатлар майдонида ёки мамлакат ҳудудида ҳаво ҳужумидан мудофаани ташкил қилишда қўққисдан ҳужум омилига йўл қўймасликка катта аҳамият бериш талаб этилади. «Стелт» технологияси бўйича яратилган самолётлар ва вертолётлар каби ҳаводан ҳужум қилиш воситалари билан бир қаторда ҳаво, денгиз ва ерда жойлашадиган қанотли ракеталар, шунингдек, учувчисиз учиш аппаратлари ҳам катта хавф туғдиради. Ҳозирги даврда наркобизнес, уюшган жиноятчилик, ноқонуний иммиграция, террорчилик, шунингдек, кемаларнинг иқтисодий зоналарга бостириб кириши ҳам катта хавфга айланиб бормоқда. Ғарб экспертларининг фикрича, бу хавфнинг тарқалиб бориши давлатларнинг суверенитети, демократик асослари ва миллий хавфсизлигига путур етказувчи салбий ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу сабабдан ҳам бундай таҳдидларнинг олдини олиш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлмоқда. Чет эллик мутахассислар ҳаво ва сув усти сатҳини назорат қилиш воситаси сифатида уфқорти радиолокацион станцияларига (УРЛС) катта эътибор қаратишмоқда. Бу станциялардан олинадиган маълумотлар яқинлашиб келаётган нишонлар ҳақида улар етиб келишидан 1,5-5 соат олдин огоҳлантириш имконини беради, бу эса уларни тутиб қолишни амалга ошириш учун етарли муддатдир.

Қуроллар таркибидан жой олган ва ҳаво ҳужумидан мудофаа манфаатларида фойдаланилаётган, кенг тарқалган УРЛСлар қаторига қуйидагилар киради: стационар (кўчмас) ANFFPS–118 ва транспортда олиб юриш мумкин бўлган ANFTPS–71 (АҚШ), бистатик УРЛС (Хитой), «Нострадамус» (Франция), SWR–503 (Канада), «Джиндали» (Австралия) ва бошқалар. Энди ана шу станцияларнинг баъзилари ҳақида қисқача маълумотлар билан танишинг.

Американинг ANFFPS–118 радиолокацион станцияси 70-йилларда «Локхид-Мартин» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган ва кейинчалик КОНУС (CONUS OTH – Continental US Over–The –Horizon Radar) тизими таркибига киритилган бўлиб, у ҳаво нишонларини аниқлаш ва кузатиб бориш учун мўлжалланган икки позицияли, кўп функцияли қайтарилувчи – эгилувчи зондлаш станциясидир. Маълумот узатиш қурилмаси олтита нисбатан тор частота диапазонларида ишлайди. Ҳар бир узатувчи антенна конструкция жиҳатидан 12 та икки қутбли нур тарқатувчи ва қайтарувчи унсурлардан ташкил топган. Қабул қилувчи антенна таркибига баландлиги 4,8 метр атрофида бўлган тахминан 300 та вибратор ва баландлиги 20 метр бўлган қайтаргич киради. КОНУС стационар тизимида ҳозирги вақтда навбатчи режимда иккита радиолокацион пост (шарқий ва ғарбий) фаолият кўрсатмоқда. Бошқа постлар яратиш (маркази ва Аляска) борасидаги ишлар тўхтатилган.

«Рейтеон» фирмаси томонидан ҳарбий денгиз кучлари ва тезкор ҳаракатланувчи кучларда фойдаланиладиган, катта масофалардаги ҳаво ва сув усти нишонларини топиш учун мўлжалланган ANFTPS–71 қайтарилувчи-эгилувчи зондлаш УРЛСи яратилган. Бу станциянинг ўзига хос хусусияти шундаки, уни ҳаво транспорти (С-5 типидаги 4 та самолёт), денгиз ёки ер транспорти билан зарур бўлган жойга етказиш мумкин. Қанотли ракеталарни аниқлаш ва кузатиб боришни таъминлаш мақсадида станцияда қўшимча ишлар амалга оширилган, жумладан, янада қудратли узатиш (передатчик) кучайтиргичлари ўрнатилган, приёмниклар сезгирлиги оширилган, процессорлар такомиллаштирилган.

Хитойда миллий экспорт-импорт радиоэлектрон корпорацияси (CNEIE Corp.) OTH-B (Over-The-Horizon-Backscatter) русумли қайтарилувчи-эгилувчи зондлаш УРЛСини ишлаб чиқди. У турли радиолокацион ва оптик-электрон воситаларни ўзида жамлаган мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимига киради ҳамда Хитой Халқ Республикаси учун муайян хавф туғдириши мумкин бўлган турли типдаги нишонларни аниқлаш имкониятларини анча ошириш ва яхшилаш имконини беради. УРЛСнинг қабул қилувчи ва узатувчи пунктлари орасидаги масофа 100 км атрофида. Қабул қилиш тармоғи таркибига 1100х60 м ўлчамдаги махсус антенна тизими киради.

М.САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.

Ваше здоровье

ГИГИЕНА ТРУДА И ОТДЫХА

Давно замечено, что неорганизованные люди устают обычно гораздо быстрее, чем люди подтянутые и дисциплинированные. Ясно также, что и эффективность работы и учебы у организованных людей неизмеримо выше, и удовлетворения от своего труда они получают гораздо больше. Последнее обстоятельство имеет непосредственное отношение к состоянию нервной системы, а стало быть, и к хорошему здоровью.

Организация и гигиена труда – это большой и сложный вопрос, которым занимаются ученые разных специальностей. Установлено, что занятия школьников спортом способствуют более четкой организации учебы, рациональному распределению времени.

Прежде чем приступить к любому делу, постарайтесь как можно яснее определить свою цель, составить (хотя бы мысленно) план работы, представить, сколько на нее уйдет времени.

Важно, чтобы рабочее место было удобным. Письменный стол должен быть хорошо освещен, но не слишком ярко. Ровный свет (от окна или лампы) должен падать спереди и слева, чтобы голова и пишущая правая рука не бросали тень на бумагу. Корпус надо держать ровно и чуть расслабленно. Привычка наклоняться слишком низко над книгой ведет к близорукости и искривлению позвоночника. Чтобы работа (физическая и умственная) была высокопродуктивной, усилия необходимо увеличивать постепенно, соблюдать привычный ритм работы. Слишком высокий, как и слишком низкий, ритм быстрее вызывает утомление. Замечено, что низкая производительность труда обычно наступает не от тяжелой работы, а от неумения правильно организовать ее. В работе нужно соблюдать привычную последовательность и системность. Каждодневная тренировка вырабатывает и закрепляет навыки и привычки. Без систематических упражнений навыки постепенно утрачиваются, и работоспособность уменьшается.

Спорт – лучший отдых после учебы. Но во всем нужна мера: можно полдня провести на футбольном поле и так «отдохнуть», что не останется сил на выполнение домашних заданий. Разумное сочетание спортивных занятий, чтения – непременное условие интересного полноценного отдыха, способствующего гармоничному развитию человека.

В прямой связи с гигиеной труда и отдыха находится личная гигиена. Утренний туалет – зарядка, умывание прохладной или холодной водой, чистка зубов – давно уже, надо полагать, стал привычным для каждого человека. Элементарные навыки личной гигиены не только помогают сохранить крепкое здоровье, но и заряжают бодростью и хорошим настроением.

Уринбосар АХМЕДОВ, кандидат медицинских наук.

Саломатлик сабоқлари

ЙЎТАЛ

Шамоллаш оқибатида инсон организмининг нафас йўллари яллиғланади. Бундай ҳолда ҳарорат кўтарилиши, кучли йўтал хуруж қилиши мумкин. Қуйида биз кучли йўталга чалинганда фойдаланиладиган ўсимликлар хусусида сўз юритамиз.

Бир чой қошиқ тоза асал ва икки ош қошиқ арпабодиён ўсимлиги чойнакка солиб, устига сув қуйиб қайнатилади, сўнгра докадан сузилади. Ушбу қайнатмадан ҳар 1-2 соатда тез-тез ичиб туриш тавсия этилади.

Арпа, жавдар ва сулидан тенг миқдорда олинади, унга бир дона аччиқ бодом мағзини солиб, ховончада талқон қилинади. Ушбу талқон сутга қўшиб ичилса, дардга даво бўлади.

Кашнич ўсимлиги уруғи ва илдизидан тенг бўлакларда олиниб, 0,5 л сувда 10 минут қайнатилади, сўнгра докадан сузилиб, иссиқроқ пайтида 4-5 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

Қасқонда димлаб пиширилган беҳи ва шолғом ҳам кўкракни юмшатади. Йўтални пишитиш ва кўкракни юмшатиш мақсадида беҳи уруғини дамлаб ичиш ҳам тавсия этилади.

Агар йўтал қуруқ келса ёки намли бўлса, унда турпни майдалаб сабзи каби тўғралади ва уни қозонга солиб, устига шакар сепилади. 1-2 соат секин қиздирилгач, ўзидан шарбат ажратади, ушбу шарбатни сузиб олиб, кунига 3 маҳал овқатдан олдин 2 ош қошиқдан ичилади.

Тоғрайҳон ўсимлиги таркибида эфир мойи, танид, каротин, С витамини ва бошқа турли ошловчи моддалар бор. Тоғрайҳоннинг бир чимдимини чойнакка солиб, устига қайнаб турган сув қуйилади, сўнгра бир оз дамланади. Кейин уни докадан ўтказиб, кунига 3-4 маҳал ярим пиёладан ичиш тавсия этилади. Нўхотни тез-тез истеъмол қилиш ҳам йўталга даво бўлиши мумкин. Бундан ташқари, отнинг сути ҳам йўтални даволаш хусусиятига эга.

ЛАТ ЕГАНДА

Инсон ҳаёти тасодифларга тўладир. Турли сабабларга кўра кишининг оёғи ёки қўли ёхуд бошқа бирор аъзоси лат ейиши, эт узилиши мумкин. Баъзан суяклар синиши ҳам мумкин. Бундай ҳолат юз берганда, аввало тезда дастлабки ёрдамни кўрсатиш лозим бўлади. Лат ейиш даражаси аниқлангандан сўнггина уни тўлиқ даволашга ўтмоқ лозим.

Бўйимодарон яра-чақа, лат еган жойларга малҳам сифатида қўйилади. Унинг устки қисмини қайноқ сувда ивитиб, лат еган жойга 2-3 соат мобайнида боғлаб қўйилади. Бу усул бир неча марта такрорланади.

Алоэ ўсимлиги ҳам лат еган жойга қўйилса, оғриқни қолдиради.

100 СЕКРЕТОВ В ОДНОЙ СКОРЛУПЕ

Бугунги давр талотўпларини ичида энг ачинарлиси дин ниқоби остида содир этилаётган хунрезликлар экан, бу борада Президентимиз Ислом Каримов таърифи билан айтганда «жаҳолатга қарши маърифат» билан курашиш энг оқилона йўлдир. Бунинг учун диний маърифат тамойилларини шарҳлай олиш, тўғри ва тўлиқ англаш, уларнинг маънавий таъсири, маърифий кучидан муносиб фойдаланишда жадидлар тажрибаси бизга қўл келиши мумкин.

Лола САОДАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

ДАВЛАТ ВА ҚЎШИННИ БОШҚАРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Форобий шаҳар – давлатни иккига: фозил шаҳар ва жоҳил шаҳарга ажратади. Унингча, фозил шаҳар мазкур таснифда энг мукаммали ва идеалидир. Шу боис аллома ўзининг давлат ҳақидаги таълимотида фозил шаҳарга алоҳида эътибор қаратади.

Шарқ Арастуси шундай ёзади: «Фозил жамият ёки фозил шаҳар шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига ҳалақит берувчи султон бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззат пайдо бўлади. Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар, ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган, энг олийжаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан мудофаа қиладилар. Бундай раҳбарлар ҳаммага баравар муносабатда бўладилар, ҳатто ҳамманинг манфаатини ўзларининг манфаатларидан ҳам ортиқ кўрадилар, умумнинг манфаати учун ўзларининг шахсий манфаатларидан кечадилар, халқ манфаати учун ўзларидаги куч-ғайрат ва бойликларни аямайдилар».

Форобий фозил шаҳар – давлатда одамларни турли белгиларига қараб ҳар хил гуруҳларга бўлади. Бироқ у кишиларнинг диний мазҳабига, миллатига, ирқига эмас, балки табиий хусусиятларига, қобилиятларига, аввало ақлий иқтидорига ҳамда илмларни ўрганиш, ҳаётий тажриба тўплаш жараёнида орттирган билим ва кўникмаларига катта аҳамият беради.

Алломанинг фикрича, фозил давлат маълум ижтимоий-сиёсий таркибга эга аҳолининг беш қатламидан иборат:

1. Нисбатан имтиёзли шахслар. Бу тоифага донишмандлар ва муҳим ишларда обрўэътиборлилар киради.

2. Дин арбоблари ва нотиқлар, шоирлар, мусиқачилар, ҳаттотлар ва шунга ўхшаш фаолиятни амалга оширувчилар.

3. Ўлчовчилар – ҳисобчилар, саёҳатчилар, табиблар, коҳинлар ва шуларга ўхшаганлар. Форобий уларни давлат хизматчиларининг энг муҳим гуруҳларига киритади. Улар ҳақида давлат ғамхўрлик қилади.

4. Ҳарбий ва жамоат тартибини қўриқлаш ҳамда ташқи ҳужумдан ҳимоя функциясини бажарувчилар. Фозил давлатда ҳарбийлар гарчи адолатни тиклаш ва адолатли уруш олиб бориш учун зарур бўлсалар ҳам, алоҳида, имтиёзли мавқега эга эмас. Улар жоҳил давлатдаги каби аҳолига ёт, душман куч сифатида майдонга чиқмайди. Форобий фозил давлат ҳарбийларига жасурлик, ватанпарварлик, ўлимдан кўрқмаслик каби сифатларни беради. Ҳарбий ҳамшаҳарларига фойда келтиришини билиб, ўз ҳаёти учун таваккал қилади; жамият, давлат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўяди. Шунинг учун у ўлганида бутун ҳамшаҳарлари йиғлайди.

5. Бойлар. Буларга шаҳарда бойлик орттирувчи деҳқонлар, чўпонлар, савдогарлар ва шуларга ўхшашлар киради.

Шарқнинг буюк мутафаккири ўзининг сиёсий таълимотида давлатнинг ташқи ва ички вазифаларини аниқ кўрсатиб беради. Форобий фикрича, давлатнинг ташқи вазифаси фозил шаҳар ёки давлат аҳолисини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш, яъни мустаҳкам мудофаани ташкил қилишдан иборат. Жоҳил шаҳар – давлат учун бошқа давлатлар билан доимий урушлар, ёт ерларга ҳужумлар қилиш, улар мулкини тортиб олиш хос. Фозил давлатда эса ўз аҳолиси фаровонлигини сақлаш учун фақат ўзини мудофаа қилиш учун уруш олиб боради.

Алломанинг урушлар ва уларни олдини олиш ҳақидаги фикрлари ўзининг чуқур мазмунга эга эканлиги ва ижтимоий аҳамият касб этиши билан қимматлидир. Форобий фикрича, уруш ё душманни даф қилиш учун, ё шаҳарни ташқи душмандан ҳимоя қилиш учун, ё шаҳар учун зарур бўлган бойликни бошқалардан тортиб олиш учун хизмат қилади.

Замонасининг беназир олими урушларни характерига кўра адолатли ва адолатсиз урушларга ажратади. Адолатли урушлар эзгу мақсадларга эришиш учун олиб борилади ва улар ким фозил шаҳарга қарши чиқишга, унинг бойликларини қўлга киритишга журъат қилган бўлса, ўшаларни қайсидир жиноятлар учун жазолаш, одил судга хизмат қилиши керак. Адолатсиз урушлар эса фозил шаҳар аҳолиси манфаатларига қарши қаратилган ва алоҳида ҳукмдорларнинг ғализ мақсадларини кўзловчи урушлардир. «Агар ҳукмдорнинг қилган уруши, – деб ёзади Форобий, – фақат халқни бўйсундириш, фақат ўзини ҳурмат эттириш, ўзига итоат қилдириш, уларга бошлиқ бўлиш, уларга хоҳлаган истагини бажартириш учун қилган уруш бўлса, бу уруш жабр-зулмли, адолатсиз урушдир ёки ғалабадан олинадиган қониқиш учун олиб борса ва одам ўлдирса, бу ҳам адолатсизликдир».

Бизнингча, юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Форобий уруш сиёсатини қоралайди ва барча давлатлар ҳамда халқлар ўртасида тинчлик, яхши қўшничилик муносабатлари қарор топишини қўллаб-қувватлайди.

Форобийнинг фозил аскар ва фазилатли лашкарбоши тўғрисидаги ғоялари ҳам диққатга сазовордир. Унинг тушунтиришича, «фозил аскар агар ўлимдан хавотирланса, у ўзини ўйламайди, агар у ўзини ўйласа, у аҳмоқдир. Шу сабабли у ўламанми, ўлмайманми деб ўйламайди ҳам, у эҳтимол тирик қолар, балки ўлар. Агар зарур бўлса, у ўлимдан ялиниб ҳам қутулиб қолиши мумкин. Бироқ асосан гап бунда эмас, гап ўз ўлими билан халқига кўпроқ бахт-саодат келтирадими ёки тирик қолиши билан кўпроқ бахт-саодат келтирадими – гап ана шунда. Фозил аскар шуни ўйлаб хавотирланади».

Мутафаккир ўз фикрини давом эттириб, «Агар фозил аскар ўлса ёки ўлдирилса, фақат унинг ўлгани учун йиғлаб хафа бўлиб қўя қолмасдан, унинг халқига ҳам чуқур таъзия билдириш керак ва шу фозил инсон ёрдамида халқ қўлга киритган саодатни ҳавас қилмоқ керак. Чунки фозил аскар ўзини урушда қурбон қилаётган пайтида, ўзининг мадҳ этилишини ўйламай, балки кўпроқ ўз халқи учун қурбон бўлаётганлигига, у учун қурбон бўлишини ўйлайди».

Ўртаосиёлик мутафаккир лашкарбоши ва унинг фазилатлари хусусида ҳам илғор фикрларни ўртага ташлайди. Форобий фикрича, лашкарбоши фойдали ва гўзал ҳисобланган фикрий қобилияти билан бирга, барча аскарлар учун умумий ахлоқий сифатларга ҳам эга бўлиши керак ва агар у мазкур ҳаракатларни охирига етказишни хоҳласа, аскарларга хос бўлган сифатлардан фойдаланади. Унинг жасурлиги ҳарбийларнинг алоҳида хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган жасурликка мос бўлиши керак. Бизнингча, Форобийнинг аскарлар ва лашкарбошилар тўғрисида билдирган фикрларидан унинг ўз даврининг етук ҳарбий назариётчиси бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Чунончи, Форобий жоҳил давлат ҳам ўзининг ташқи функциясига эга, деб таъкидлайди. Унинг ҳисоблашича, бу жоҳил давлатнинг ўз бойликларини бошқа давлатлар хуружидан сақлаш, ўзга давлатлар бойликларини қўлга киритиш ва бошқа халқларни маҳв этиш учун олиб борган курашида намоён бўлади. Форобий кўрсатадики, давлат бошлиғи, давлатнинг даромадлари манбаларидан бири енгилган давлатлардан олинадиган контрибуция ҳисобланади. Бу ерда унинг давридаги феодал давлатлар ташқи сиёсатининг моҳияти намоён бўлади.

Форобийнинг ўқтиришича, давлатнинг ички вазифаси эса қуйидаги зарурий тадбирларни амалга ошириш жараёнида намоён бўлади, қайсиким бу тадбирлар воситасида унинг аҳолиси ҳақиқий бахт-саодатга эришади. Булар: адолатни қарор топтириш, халқни маърифатли қилиш, уларга борлиқ ҳақидаги асосий илмларни ўргатиш, уларни ахлоқий ва ақлий жиҳатдан тарбиялаш, эзгулик ва яхшилик ўрнатиш ва бошқалар. Қолган барча иқтисодий ва сиёсий муаммолар давлатнинг асосий, яъни бахтга эришиш мақсадида кишиларнинг маънавий такомилга етишиши билан боғлиқ вазифасига киради.

Шу билан бирга, Абу Наср Форобийнинг давлат ҳақидаги таълимотида одил ҳукмдор масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, ҳақиқий, адолатли подшо ҳар қандай қийинчиликка, тасодифга тайёр илмли, тажрибали киши бўлиши керак.

Чунончи, Шарқ Арастуси фозил давлат бошлиқларини тўрт тоифага бўлади ва уларнинг биринчи тоифасига ҳақиқат йўлида иш олиб борувчи подшони киритади. У биринчи раис, яъни бошлиқ деб аталиб, унинг олтита хислати бор: донолик, ўта мулоҳазакорлик, ишонтириш қобилиятига, тушунтира олиш қобилиятига, жисмоний жиҳатдан жанг қила олиш қобилиятига эгалик ҳамда тана тузилиши жиҳатидан жангчига хос бўлиши, яъни танасида бирон бир камчилик бўлмаслиги керак. Ана шундай хислатларни ўзида жамлаган шахс ўз фаолиятида, сўзини ўтказишда, буйруқларни бажартиришда, иш юритишда моҳир бўлади. Агар бундай киши топилмаса, юқоридаги хислатларни ўзларида жамлаган бир гуруҳ ҳам подшонинг ўрнини босишлари мумкин. Ўз навбатида, бу гуруҳнинг бири ғояларни илгари суради, иккинчиси бу ғояларни қандай қилиб амалга ошириш йўлларини кўрсатиб беради, яна бири ишонтиради ва тушунтиради. Охиргиси эса лашкарбошилик қилади. Шундай қилиб, буларнинг ҳаммаси йиғилиб подшолик ролини ўтайдилар ва аҳил бошлиқлар деб номланадилар ҳамда улар ташкил этган ҳайъат, фозиллар ҳайъати деб аталади.

Модомики, «агар бундай кишилар топилмаса, бу вақтда шаҳар бошлиғи шариат ва сунналарни яхши биладиган, ҳар қандай шароитда аҳволни тушуна оладиган, ўқиган, пайти келганда суннада ёзилмаган нарсаларни ҳам топиб қўллай биладиган, яхши фикрли, шаҳарни ташкил қилишга устароқ бўлган, нотиқлик қобилияти бор жангчи ҳам бошлиқ бўлса бўлади. Бундай бошлиқ тажрибали бошқарувчидир. Агар бундай киши ҳам топилмаса, унинг ўрнини юқоридаги хислатларга эга бир гуруҳ шахслар ҳам бажариши мумкин. Бу жамоа тажрибали кишилардир», деб таъкидлайди Форобий. Бу ерда унинг давлатни бошқаришда демократик тартибни қўллаб-қувватлаганини кўриш мумкин.

Форобий фозил давлатда мартабалар ҳам ҳамиша босқичма-босқич кўтарила бориши кераклигини алоҳида таъкидлайди. Унинг ҳисоблашича, «Инсон олий мақсад сари доимо интила бориши керак, бу ерда тинмай ҳаракат қилган киши охири бошлиқ бўлади, иккинчидан давлатда энг илғор киши бўлади. Масалан, отлиқ жангчиларни олганимизда, уларнинг мақсади қуролни душманга қарши моҳирлик билан ишлатишдир, уларнинг орасида биттаси бу соҳада энг моҳир уста бўлиб, у ҳам бошлиқ, ҳам устоз бўлади».

Форобийнинг бу фикрларидан кўриниб турибдики, у фозил ҳукмдорни давлатнинг таянчи ва халқнинг ҳимоячиси сифатида фаолият юритишини хоҳлаган. Бунинг учун эса ҳукмдорнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан, ҳам руҳан мукаммал инсон, яъни халқ учун намуна бўлиши талаб этилган. Файласуфнинг бу доно фикрлари ҳозирги кунда ҳар бир раҳбар ходим учун дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

Умуман олганда, Абу Наср Форобийнинг фозил давлат, унинг вазифалари ва бошқариш тартиби ҳақидаги қимматли фикрлари ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айниқса, бугунги кунда жамиятимизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар жараёнида улардан ҳар томонлама фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, файласуфнинг давлатнинг таянчи ва барқарорлиги кафолати бўлган қўшин ва уни бошқариш хусусидаги бетакрор фикр-мулоҳазалари мамлакатимиз ҳарбий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини ошириш ва уларда юксак инсоний фазилатларни тарбиялашда муҳим манбаа бўлиб ҳисобланади.

Подполковник
Қобилжон СУВОНҚУЛОВ.

В ОСО «Ватанпарвар»

МАЛЫМ КОРАБЛЯМ – БОЛЬШОЕ ПЛАВАНИЕ

Успешно развивается в нашей стране судомодельный спорт. Прошедший недавно чемпионат Узбекистана убедительно доказал это. 70 спортсменов – представители различных городов и областей республики – участвовали в нем, представив 120 моделей.

На днях в Центральном совете ОСО «Ватанпарвар» состоялась пресс-конференция по поводу отъезда нашей сборной команды на Международный чемпионат по судомодельному спорту в Хорватию. Ее открыл полковник А.Абдукаххаров.

Члены сборной Шавкат Исматиллаев, Алишер Мирзаев, Марат Хакимзанов, Наиль Хакимзанов ознакомили журналистов с историей развития судомодельного спорта в Узбекистане, ответили на их многочисленные вопросы.

Судомодельный спорт в Узбекистане берет свое начало с 50-х годов прошлого столетия. Спортсмены республики успешно выступали на многих соревнованиях, стабильно удерживали позиции в первой пятерке.

В различных спортивных секциях ОСО «Ватанпарвар» специалисты обучают подрастающее поколение всем тонкостям судомоделизма. Здесь охотно занимаются и дети и взрослые. Сюда идут люди с рационализаторской и изобретательской жилкой, одним из главных качеств которых является техническое творчество. И таких юношей у нас в стране немало. С ними работают неоднократные победители чемпионатов мира и многих других международных соревнований – Андрей Разумовский, Шавкат Исматиллаев и другие.

На прошедшем чемпионате мира в 2004 году во Франции наши спортсмены завоевали две золотые и одну серебряную медали. Кстати, и к этому чемпионату члены нашей сборной хорошо подготовились. Ожидается участие представителей 40 государств, так что конкуренция будет достаточно высокой. Участники пресс-конференции пожелали спортсменам-судомоделистам отлично выступить на чемпионате, выразили уверенность, что сборная обязательно вернется с медалями самых высоких достоинств.

Борис САИДОВ.

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ҲАР ЖАБҲАДА ҲАМНАФАС

Тиббиёт асосан икки хил, яъни даволаш ва профилактик йўналишдан ташкил топган бўлиб, бу йўналишларни санитария-эпидемиология соҳасидан айрича тасаввур қилиш мумкин эмас. Ушбу соҳанинг асосий мақсади ва вазифаси касалликларнинг олдини олишга қаратилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат марказининг фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Қуйида ана шу марказ ва унинг фидойи мутахассислари ҳақида ҳикоя қиламиз.







ТАРИХГА БИР НАЗАР

Дастлаб Тошкент кимё лабораторияси сифатида ташкил топган ушбу марказ ҳозирги кунгача мавжуд бўлган ва фаолият юритаётган қатор илмий тажриба муассасаларининг ташкил топишига замин яратди.

Атоқли олимлар академик Мидендорф, профессорлар И.Мушкетов, Г.Романовский, таниқли зоолог, зоогеограф Н.Северцевлар айнан шу ерда йирик илмий ишларини амалга оширдилар. Бу ерда фаолият юритган кўплаб мутахассислар вақт ўтиши билан тинимсиз изланишлари, меҳнатлари самараси ўлароқ фан оламининг кўзга кўринган машҳур арбобларига айландилар. Тиббиёт фанлари докторлари Г.Бобоев, С.Висковский, В.Скворцов, Н.Латишев, Л.Раппопорт, Г.Знаменский, Г.Змеев, Н.Олсуфьевлар шулар жумласидан.

Ўтган аср бошларида бу ерда дастлабки безгакка қарши отрядлар ташкил этилган бўлиб, улар ўлкада бу касалликнинг тўлиқ тугатилишида муносиб ҳисса қўшган. Ушбу даргоҳ мутахассислари ўта хавфли юқумли касалликларга қарши курашда фаол иштирок этиб, ўттиз тўртта чинчечак касаллиги ўчоғини тугатишда беқиёс хизмат кўрсатдилар.

ЯНГИ ДАВР

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин республикамиз ҳаётининг барча жабҳаларида бўлгани каби Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази фаолиятида ҳам янги давр бошланди. Қайта тузилган марказ олдида бажарилиши муҳим бўлган мураккаб вазифалар турарди. Санитария-эпидемиология хизмати мавқеини кўтариш, такомиллаштириш, бўшаб қолган иш ўринларини малакали мутахассислар билан тўлдириш зарур эди. Бундай масъулиятли вазифаларни бажариш тиббиёт хизмати офицери Марифжон Мадаминов (истеъфодаги тиббиёт хизмати полковниги) зиммасига топширилди. Раҳбарият бундай масъулиятли вазифани муносиб кишига топширганлиги тез орада ўз исботини топди. Марифжон Мадаминов билан ўша мураккаб даврда елкама-елка туриб хизмат қилган (истеъфодаги полковниклар) Анвар Мелибоев, Аҳмаджон Фозилов (марҳум), Муҳаммаджон Атарбоев, Владимир Власов, Янгибой Саидов, подполковниклар Т.Жалилов (марҳум), Евгений Жайворонок номларини бугун чуқур эҳтиром билан тилга олсак арзийди.

Дастлабки йиллар қийинчиликлари кўпчилигимизга маълум. Ўтказилган режали санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирлар натижасида собиқ Иттифоқ даврида кўплаб қайд қилинадиган, катта муаммога айланган юқумли касалликлар кескин камайди, айрим турлари батамом тугатилди. Кейинги йилларда бўғма, менингококкли менингит, ичтерлама касалликларининг кузатилмаётганлиги бунга мисол бўла олади. Бундай муваффақият замирида фидойилардан иборат марказ жамоасининг сермашаққат ва самарали меҳнати борлигини илғаш қийин эмас.

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон Республикасида аҳоли соғлиғини сақлаш давлатимиз ўз олдига қўйган энг долзарб масалалардан бири бўлиб, бу соҳада жуда кўп ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт ходимларининг турмуш даражасини ошириш борасида кўрсатилаётган ғамхўрлик диққатга сазовор бўлиб, давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ 2006 йил январь ойидан соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг иш ҳақи сезиларли даражада ошди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» айнан мана шундай хайрли ишдан бошланди.

«Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш афзал» деган гапни ҳамма билса-да унда ҳикмат борлигини барча ҳам билавермайди. Санитария-эпидемиология соҳаси мутахассислари эса айнан шу сўзларга қатъий амал қиладилар ва бу амалларида ҳеч қачон янглишмайдилар.

Соҳа мутахассислари «Ўзбекистон Республикасида санитария назорати тўғрисида»ги қонун асосида фаолият олиб борадилар. Мамлакатимиз Президентининг «Санитария қонунчилиги бузилиши устидан жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат санитария назорати самарадорлигини ошириш чоралари тўғрисида»ги қарори шифокорлар зиммасига янада масъулиятли вазифаларни юклади.

Қуролли Кучларимиз тиббиёт ходимлари ҳам олдиларига қўйилган вазифаларни шараф билан бажармоқдалар. Бунда Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология хизмати мутахассисларининг ҳам муносиб ўрнилари бор. Марказ профилактик йўналишдаги барча ишларда бош-қош бўлиб, нафақат ҳарбийлар, хизматчилар, балки уларнинг оила аъзолари соғлиғини сақлаш йўлида ҳам фидокорона фаолият юритмоқда.

ЁШАРГАН ЖАМОА

Санитария-эпидемиология назорат маркази (СЭНМ) жойлашган ҳудуд унинг батартиб ва таҳсинга сазовор фаолиятининг яна бир ошкора кўринишидир. Тоза-озода йўлаклар, майдончалар, бинолар, ям-яшил ўтлоқ, қийғос очилиб турадиган гуллар – буларнинг барчаси марказда асосий ишдан ташқари улкан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг олиб борилганини кўрсатиб турибди.

Тиббий хизмат офицери Акром Хушвақтовнинг СЭНМга етакчилик қилаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо қисқа даврда бу ерда сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

– Марказ эпидемиология ва санитария-гигиена бўлимларидан иборат бўлиб, бу бўлимларда эпидемиология, бактериология, дезинфекция, ўта хавфли юқумли касалликлар, ОИВ-инфекцияси, санитария назорати ва экспертизаси, лаборатория, ҳаракатдаги санитария-эпидемиология бўлинмалари фаолият олиб боради, – дейди Акром Хушвақтов. – Марказ иши асосан икки йўналишдан ташкил топган бўлиб, унда юқори малакали мутахассислар фаолият юритадилар. Олий тоифали врачлар тиббий хизмат подполковниклари – Вячеслав Хегай, Қаҳрамон Холиқов, Баҳодир Очилов, Бахтиёр Аҳмедов, Баҳром Ҳакимов, Ражабали Норқувватов, Равшан Тўхтаматов, майорлар – Абдуғани Юлдашев, Алишер Аҳмедов, Асомиддин Мамиров, Шавкат Шосаидовларнинг фидойиларча хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор. Ҳарбий қисмлар, муассаса, корхона ва ташкилотларда санитария меъёрлари ва қоидаларига риоя этилиши, уларга оид тадбирлар амалга оширилиши устидан санитария назорати ўрнатиш баробарида атроф-муҳитни соғломлаштириш, шахсий таркибнинг овқатланиши, меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларини, қўшинлар санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари ҳарбий хизматчиларни тўлақонли, юқори сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни назорат қилишда ҳам марказ мутахассисларининг муносиб ҳиссаси бор. Тиббий хизмат офицери Муротали Имомалиев, Қуролли Кучлар хизматчилари Елена Керцман, Лев Фрейдовичлар ана шундай мутахассислардан ҳисобланишади.

Касалликларнинг олдини олишда қўлланиладиган муҳим тадбирлар йўналишидан бири – бу профилактик дезинфекция ҳисобланади. Профилактик дезинфекция бўлинмаларининг ишини тўғри ва самарали ташкил қилишда Қуролли Кучлар хизматчилари Эшпўлат Тошпўлатов, Тахмина Мирқурбонова, Гуллола Ҳайитова, Ольга Крючковалар хизматини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ҳозирги кунда СЭНМ юқори малакали ёш мутахассислар ҳисобига янада яшарди дейиш мумкин. Қайта шаклланган марказда қисқа даврда бир қатор фан номзодлари етишиб чиқди. Кўплаб мутахассислар эса айни кунда илмий ишлар билан банд. Хуллас ривожланиш, такомиллашиш, тараққиёт бу соҳада ҳам ўзини намоён этмоқда.

МУНОСИБ ТУҲФА

Мамлакатимизда энг улуғ, энг азиз байрамимиз Мустақилликнинг 15 йиллигини муносиб кутиб олиш учун улкан тайёргарлик ишлари кетмоқда. Марказ жамоаси ҳам улуғ байрамни эзгу мақсад йўлида фидокорона меҳнатлари билан кутиб олишга аҳд қилганлар.

Шуниси диққатга сазоворки, марказ ҳудудида янги лаборатория биноси қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Замонавий тиббий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланадиган лабораторияда энг мураккаб ва мукаммал таҳлилларни ғоят қисқа муддатларда амалга ошириш имконияти яратилади.

Янги лаборатория Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Бундай туҳфа барчани мамнун қилиши табиий.

Фидойилар жамоаси ҳақидаги мақолага нуқта қўйишдан аввал уларнинг яна бир жонбозликларига эътиборингизни қаратмоқчиман. «Ватанпарвар» саҳифаларида СЭНМ мутахассисларининг куюнчаклик билан ёзилган огоҳлантирувчи, маслаҳат берувчи, бохабарлигингизни оширишга қаратилган мақолалари мунтазам чоп этилади. Ҳамиша ўз вақтида бонг ура биладиган бу мутахассислар газетанинг энг яқин ҳамкоридир ва муаллифларидир. Биз бундай ҳамкорлик учун улардан миннатдормиз. Бу мухбирнинг эмас, кўп сонли муштарийларнинг ҳам дил изҳоридир, десак асло муболаға бўлмайди.

Саломатлик посбонларининг ўта масъулиятли, сермашаққат ва олижаноб ишларида ҳамиша омад ёр бўлаверсин!

Инобат ИБРОҲИМОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ИЛЛАТЛАРИМИЗ ОҒУ ГИРДОБИГА ТОРТМОҚДА

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ ХАЛҚАРО КУРАШ



Яқинда БМТ Гиёҳванд воситалар устидан назорат ва жиноятчиликдан огоҳлантириш бошқармасининг пойтахтимиздаги ваколатхонасида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Яъни гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва истеъмолига қарши халқаро кураш кунига бағишланган тадбир. Унда Гиёҳванд моддалар устидан назорат ва жиноятчиликдан огоҳлантириш бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Жеймс Каллахан иштирок этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йил БМТ Гиёҳванд воситалар устидан назорат ва жиноятчиликдан огоҳлантириш бошқармасининг «Гиёҳванд моддалар болаларга ўйинчоқ эмас» шиори остида ўтмоқда.

Халқаро сана муносабати билан БМТ бош котиби мурожаатнома йўллади. Унда жумладан шундай дейилган: «...Биз барча саъй-ҳаракатларимизни ёшларга қаратишимиз, бу йўлда ахборот-тарғибот ишларига эътибор беришимиз, ёшлар фаол, соғлом турмуш тарзини олиб боришлари учун спорт, жисмоний тарбия сингари имкониятларни ҳам ишга солишимиз даркор...».

Келинг, шу ўринда дунёда гиёҳванд моддалар билан боғлиқ муаммога бир назар ташлайлик. Ортда қолган йилда Афғонистонда 2001 йилдан бери илк бор кўкнори экиш суръати пасайди. Ошкороқ қилиб айтганда, 2005 йилда мазкур оғу экилган майдон 21 фоизга қисқарди. 2004 йилда 131 минг гектар ерда, 2005 йилда эса 104 минг гектар ерда «деҳқончилик» қилингани ҳақида статистика кўрсатиб турибди. Мисол тариқасида оладиган бўлсак, Нангарҳар провинциясида кўкнори экиш 28213 гектардан 1093 гектарга тушиб қолган. Аммо шуни афсус билан айтиш лозимки, Афғонистоннинг жанубий провинцияларида жорий йилда кўкнори етиштириш яна ортаётгани ҳақида маълумотлар бор. Қизиғи шундаки, 2005 йилда Афғонистонда етиштирилган оғу ялпи ички маҳсулотнинг 41 фоизини ташкил этган. Бу мамлакат иқтисодиёти қайсидир жиҳатдан гиёҳванд воситаларга боғланиб қолаётганини кўрсатади. Ҳануз мазкур қўшни мамлакат опий ва героин етиштириш бўйича дунёда етакчи бўлиб турибди. Рақамлар тили билан айтганда, 2005 йилда Афғонистон дунё опийсининг 89 фозини етиштирган.

Бугунги кунда дунёда 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган 16 миллиондан зиёд киши ёки бўлмаса дунё аҳолининг 0,4 фоизи опиатларни истеъмол қилишади. Уларнинг ярмидан зиёдроғи эса Осиёда истиқомат қиларкан. Тилга олинаётганларнинг 11 миллиони, яъни 70 фоизга яқини эса героин гирдобига тушганлардир.

2004 йилда дунё бўйича 162 миллион нафар киши каннабис истеъмол қилган экан. Айниқса, Океания, Шимолий Америка ва Африкада ушбу гиёҳванд воситани ноқонуний истеъмол қиладиганлар кўпчиликни ташкил этади. Агар маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, дунё бўйича етиштирилаётган каннабиснинг 54 фоизи Шимолий ва Жанубий Америка, 26 фоизи Африка, 15 фоизи Осиё улушига тўғри келмоқда.


Юқорида афғон оғуси ҳақида ташвиш билан сўзладик. Ҳақиқатан ҳам ташвишга асос бор. Ахир, оғунинг 24 фоизга яқини бизнинг минтақа орқали ўз «харидорига» етиб бормоқда-да. Шунинг ўзиёқ бизнинг ҳаловатимизни, тинчлигимизни, осойишталигимизни бузишга асос бўладиган омил. Бунинг олдини олиш учун соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, гиёҳвандликнинг ўлат эканлигини кенг ташвиқот қилишда гап катта. Тилга олинаётган анжуман доирасида гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши кураш мавзуида эълон қилинган танлов якунланиб, ғолиб журналистлар компьютер билан тақдирланишди.

Шунингдек, матбуот анжуманида 13 ёшли ўзбек ўғлонининг «Янги авлод» студиясида, «ЮНИСЕФ» билан ҳамкорликда олган клипи намойиш қилинди. Мазкур клипда болакай асримизнинг оғриқли бу муаммосини ўзига хос талқин қилишга интилгани қувонарлидир.

Заҳарли илонни яхши биласиз. Билиб-билмай бирон жойини босиб олсангиз, заҳри билан, қаҳри билан ўз навбатида жавоб қайтаради. Демак, нафсиламрини айтганда, айбдор ўзимиз. Гиёҳвандлик ҳам ана шунақа. Билиб-билмай домига тушамизу... Афсуски, уни турмушимизга оғу солишга мажбур этадиган ўзимиз. Аниқроғи жиловини торта ололмаётганимиз – иллатларимиз. Аммо бу илоннинг бошини янчиб ташлаш ҳозирча инсоннинг қўлидан келмаяпти. Демакки, иллатларимиз, шайтоний нафсимиз устидан ғолиб бўлолмаяпмиз.

Вазира АҲМЕДОВА.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



На мысе Канаверал обратный отсчет

Запуск космического корабля многоразового использования Discovery с мыса Канаверал (Флорида) к МКС назначен на 1 июля, передает «Интерфакс». Согласно сообщению, за 71 час до старта начался обратный отсчет перед запуском шаттла. Длительность «окна» запуска составляет почти 5 минут. По информации NASA, метеорологи дают 40% гарантии того, что погодные условия не помешают запуску. Если погода подведет, то старт может состояться до 19 июля, передает ИТАР–ТАСС.



Вторглись в воздушное пространство

Четыре израильских истребителя F-16 вторглись в воздушное пространство Сирии и совершили облет над дворцом президента в приморском городе Латакия на севере страны, сообщил представитель Армии обороны Израиля. По его словам, в этот момент президент Сирии Башар Асад находился во дворце. Сирийское государственное телевидение подтвердило факт нарушения израильскими ВВС воздушной границы, уточнив, что по самолетам был открыт огонь силами ПВО.



Упал учебный самолет

В латвийском городке Икшкиле во время учебного полета упал небольшой частный самолет «Cessna 152». В результате катастрофы погибли два человека. По данным Государственной пожарно-спасательной службы (ГПСС), самолет упал недалеко от взлетного поля, он разбился либо при взлете, либо при посадке, возгорания самолета не было, сообщает «Delfi». Причины аварии уточняются. Самолет упал между частными жилыми домами, не задев их лишь по счастливой случайности.



Крупный газовый контракт

Иран передал крупный газовый контракт Корпусу стражей исламской революции (КСИР), пишет британская газета «The Times» со ссылкой на иранские издания. Решение о передаче контракта на разработку части газового месторождения Южный Парс этой военизированной организации, созданной после революции в 1979 году, может обеспокоить иностранные нефтяные компании, которые в течение последних десяти лет вели борьбу за устойчивое положение в газовой отрасли Ирана.



Ядерных боезарядов станет больше

Срыв рамочного соглашения 1994 года между США и КНДР об отказе Пхеньяна от ядерной программы привел к наработке в Северной Корее плутония для ядерного оружия. По свидетельству бывшего инспектора ООН по вооружениям Дэвида Олбрайта, Пхеньян увеличил свои запасы плутония с 1–2 боезарядов до 4–13 и может довести до 17, пишет «Независимая газета».




Деньги на поддержку властей

Первый заместитель госсекретаря США Николас Бернс заявил, что Вашингтон намерен выделить 700 млн. долларов на поддержку властей Афганистана. Бернс сказал: «В 2006 году мы выделяем примерно 700 млн. долларов на поддержание деятельности правительства Афганистана. США намерены активно играть свою роль в этой стране».



Приближается опасный астероид

К Земле приближается потенциально опасный астероид диаметром полкилометра, который максимально сблизится с нашей планетой в понедельник, сообщает Space.com. Однако для беспокойства нет причин, поскольку столкновение исключено, несмотря на то, что небесное тело пройдет чрезвычайно близко от нашей планеты – на расстоянии, чуть большем, чем средняя дистанция от Земли до Луны.



Кофе снижает риск диабета

Кофе способствует снижению риска заболевания диабетом. К такому выводу пришли ученые из университета штата Миннесота. Согласно результатам проведенного ими исследования, опубликованным в журнале «Архивы внутренней медицины», лучше всего эффект достигается при употреблении декафеинированного кофе. Когда были подведены итоги эксперимента, выяснилось, что у 1400 человек, принимавших участие в исследовании, был диагностирован диабет. Было также установлено, что среди тех, кто пил много кофе, заболевших диабетом было на 22 процента меньше, чем среди тех, кто не употреблял этот напиток.

(www.NEWSru.com).

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

Ушбу мавзуни ёритар эканмиз, аввало, маънавият ҳақида сўз юритиш ўринли бўлади. Маънавият, бу – одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуидир.

Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунчадир.

Маънавият – инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият ҳаёти маълум йўналишининг бош омилидир.

Маънавият – муайян иқтисодий-ижтимоий ҳаёт тизимининг шаклланиши, ўзгариши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Маънавият бойиб борса, жамият равнақ эта боради ва аксинча, маънавият қашшоқлашса, жамият бора-бора таназзулга юз тутади.

Мустақиллик йилларида маънавият масалаларига муносабат тубдан ўзгариб,унинг бойиб боришига кучли эътибор берилаётганлигининг боиси ана шунда. Бой маънавиятсиз буюк давлат қуриб бўлмайди..

Маънавият – жамият ва миллат равнақининг бош омили ва пойдеворидир.

Маънавият – кенг тушунча бўлиб, у маърифат, маданият тушунчаларини ҳам ўзига қамраб олади.

Маърифатнинг луғавий маъноси – билиш, таниш, билимдир. Бу сўзнинг кўплик шакли маорифдир. Атама сифатида эса у табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради.

Маърифатли дегани – билимли, муайян соҳада маълумоти бор, дегани бўлиб, инсонпарварлик маънавияти заминидагина ўз моҳиятига эга бўлади.

Кишиларнинг билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбияга ҳам маърифат, деб қаралади. Бу сўз илму урфон маъноларида ҳам ишлатилади. Маърифатни ҳаётга сингдириш маориф тизими орқали амалга оширилади.

Демак маърифат – билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф ана шу мазмунни ёйиш қуроли, воситасидир. Маориф асосан умумий ва ўрта махсус билим берувчи мактаблар ва ўқув юртлари тармоқларини қамраб олади. Маърифат тушунчаси эса кенгроқ бўлиб, билим ва маданиятни ёйиш ва юксалтиришнинг ҳамма турлари ва соҳаларини ўзига қамраб олади.

Бундан тахминан 2700 йил муқаддам ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида улуғ тарихий шахс – илоҳиётчи, файласуф, шоир ва табиатшунос олим, жаҳон халқларига яккахудоликка асосланган биринчи диний таълимот асосчиси сифатида машҳур бўлган улуғ ватандошимиз – Зардушт (Сепитома) орқали яратилган «Авесто» китобида ҳам аждодларимизнинг неча минг йиллик маънавий мероси ўз аксини топган. Унда жоҳиллик, зўравонлик, туҳмат каби ёмон хислатлар қораланади. Соф кўнгилли бўлиш, хиёнат қилмаслик, савдода бир-бирини алдамаслик, ҳақорат қилмаслик каби маънавий хислатлар тарғиб этилади.

«Авесто» аждодларимизнинг ахлоқий-эстетик қомуси, қадимий урф-одатларимизнинг ўзига хос, абадиятга дахлдор мажмуи сифатида қимматлидир.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилади. Жамият ҳаётида юз берган ўзгаришлар инсоний муносабатлардаги янгича қарашларни шакллантириш, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги янги муаммоларни ҳал этиш заруратини аён этди.

Тарихдан маълумки, бирор халқ ҳаётида тарихий бурилиш содир бўлаётган даврларда жамият янги истиқболлар сари бормоғи учун ижтимоий муносабатларни шунга мувофиқ ўзгартирмоғи лозим бўлади. Шу боис, ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар шахснинг ва бутунича жамиятнинг тафаккурида, дунёқарашида, маънавий оламида ўзгаришларни тақозо этади.

Юртбошимизнинг дастурий аҳамият касб этган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида кўрсатилган тўрт асосий негиз жамиятни маънавий янгилашнинг туб мазмунини очиб берган:

– умуминсоний қадриятларга содиқлик;

– халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

– инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

– ватанпарварлик.

Бу тушунчалар бир-биридан ажралмас ва бир-бирини тақозо этган ҳолда, биз учун энг муҳим, энг устувор мақсад бўлган олий неъмат – Ўзбекистон мустақиллигини асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашда мустаҳкам асос вазифасини ўтайди.

Биз ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз. Демократия бу – кишиларнинг биргаликда ҳаёт кечириши, муаммоларни баҳамжиҳатлик билан ҳал қилиши, шахсий манфаатларни жамоа, миллат, давлат манфаатлари билан уйғун кўриши, бир сўз билан айтганда, муроса қилиш маданиятидир.

1983 йили жаҳоннинг 29 давлати олимлари, жамоат арбобларидан иборат «Гуманитар муаммоларни ўрганиш бўйича Халқаро комиссия» тузилди. Комиссия XX асрдаги гуманитар вазият ва уни такомиллаштириш устида изланди. Жазоир, Швейцария, Польша, Австрия, Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Эрон, Швеция, Япония – жами 29 мамлакатнинг маърифатпарварлари дунёдаги гуманитар муаммоларни амалий ўргандилар.

«Инсоният ахлоқи», «Глобал масалалар» (экология, қашшоқлик, қуролланиш, терроризм, наркомафия), «Оммавий қирғин қуроллари», «Қуролли тўқнашувлар», «Дайди болалар», «Озиқ-овқат инқирози», «Чўл-саҳроларнинг кенгайиб боратётганлиги», «Фавқулодда вазиятлар», «Урушлар» каби ҳалокатли ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этиб, барча муаммолар инсоний туйғуларнинг сусайиши, яъни маънавий қадриятларнинг қадрсизланиши билан боғлиқ, деган хулосага келдилар. Уларнинг тўрт йиллик меҳнати натижаси бўлган китоб «Инсоният инсонийлигини сақлаб қола оладими?» деган изтиробли ном билан жаҳон тилларида нашр қилинди.

Одамларнинг бир-бирларига ғайриинсоний муносабатлари, очкўзлик, халқ манфаатларини унутиш, мансабпарастлик, шовинизм, бир қатламнинг ўта бойиб, бошқаларнинг иқтисодий ночор аҳволга тушиши, ўзгаларнинг ер-суви, табиий бойликларига кўз олайтириши каби иллатлар танқид қилинган ушбу китобда кўтарилган муаммолар БМТ Бош Ассамблеясининг «Янги халқаро гуманитар тартиб тўғрисида»ги 42/120 рақамли Резолюциясининг қабул қилинишига асос бўлди.

Жамиятдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш учун маънавият сиёсатнинг бош таянчи бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов демократик, фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш учун инсофли, диёнатли одамларнингина раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳақи борлигини таъкидлаб келмоқдалар.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» номли маърузасида ислоҳотларнинг бош йўналишини ва самарадорлигини белгилаб берадиган устувор вазифани таъкидлаб айтдилар, давлатимиз раҳбари: «Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак».

Маънавият инсон руҳиятида воқе бўлади ва унинг ўзлигини англаш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун у, аввало, алоҳида олинган инсон билан боғлиқ тушунча. Аммо инсон жамиятдан ажралмас бўлиб, жамиятдан ташқарида ўз инсонлик моҳиятини йўқотар экан, маънавият инсонни ўзга одамларга, жамиятга, бутун борлиққа дахлдор қилади. Шу жиҳатдан маънавият ижтимоий мазмун касб этади. Инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади.

Шу маънода Ҳазрат Навоийнинг «Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмасам», – деган сўзлари бугун янгича мазмун касб этади. Қадим-қадимданоқ, инсоният жамияти пайдо бўлибдики, турли халқ алломалари инсонни ўзликни англашга даъват этадилар. Ўзликни англаш борасидаги Шарқ ва Ғарб алломаларининг фикрлари юрт равнақи ўзликни англаш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яққол намоён этади.

Жумладан, Суқрот учун эса «ўзингни ўзинг англа» ҳикмати донишмандликнинг қоидасига айланди ва таълимотининг ўзагини ташкил этди. «Ўзини англаган инсон, – деган эди у, – ўзи учун нима фойдалилиги ва нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. У қўлидан келадиган иш билан шуғулланиш асносида ўз эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликлардан холи бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у ўзга одамларни қадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана билади. Оқибатда ўзини кулфатлардан асрайди».

Демак, мамлакатимиз мустақиллиги, унинг обод бўлиши, равнақ топиши, халқимиз фаровонлиги маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш билан бевосита боғлиқ. Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак.

Инсоннинг комиллик даражаси унинг жамиятдаги ўз ўрнини қанчалик билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми эканлигини қанчалик ҳис этиши билан белгиланади. Шундагина инсон ўзининг қадр-қиммати халқнинг, миллатнинг қадр-қиммати билан нечоғлик боғлиқ эканлигини, жамиятда, юртида содир бўлаётган воқеаларга дахлдорлигини англайди.

Мустақиллик туфайли миллий тикланиш ва миллий ривожланишнинг асоси бўлган маънавий мерос, урф-одатлар, анъаналар, юксак қадриятлар, тарихий хотира халқимизга қайтарилди. Миллий ўзлигини, ҳуқуқларини тобора теранроқ англаб бораётган халқимиз учун буюк келажакни барпо этиш йўлида бу бой имкониятлардан фойдаланиш, барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожланишга, Ўзбекистонда мустақиллигини асраб-авайлаш ва демократик ҳуқуқий жамият қуриш ишига йўналтиришга сафарбар этишдек улкан имкониятлар яратилди.

Халқ тарихи – ватанпарварлик, миллат маънавий кучи ва ахлоқий соғломлигининг ёрқин манбаидир. Уни чуқур ўрганиш маънавий норма ҳисобланмиш мардлик, интизомлилик, ҳалоллик, сотқинлик қилмаслик каби сифатларни шакллантиришнинг негизидир.

Ўзбек халқининг бутун жаҳонга машҳур буюк аждодларининг маданий мероси инсонийлик ва сабр-қаноат, адолатлилик ҳиссиёти, илм-маърифатга интилиш руҳида тарбиялаш асосида яратилган.

Бизнинг бойлигимиз, мустақиллигимиз ҳамда ажойиб келажакка ишончимизнинг бош манбаи она еримиздир. Буюк аждодларимиз хоки ётган ушбу муқаддас заминга муҳаббат маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғи бўлиб хизмат қилади. Она юртимизни қўриқлаш – муқаддас ва шарафли мажбуриятдир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадҳияси биз учун жуда қадрлидир. Улар маънавиятимизнинг муҳим рамзлари ҳисобланиб, чексиз ҳурмат ва фахр туйғусини тарбиялайди. Кўплаб ҳарбий хизматчилар тақдирланишган давлат мукофотлари – орден ва медаллар, фахрий унвонларнинг таъсис этилиши ҳам улкан маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга.

Маънавий-ахлоқий тарбияси мукаммал аскар ҳаётини хатарга қўйиб бўлса-да, сафдошидан ёрдамини аямайди, унинг учун худди ўз туғишган ака-укасидек қайғуради. Миллий қадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига содиқ бўлиш, шу билан бирга, энг замонавий талаблар ва андазаларга мос келадиган армиямиз жанговар шайлигини оширишга ҳисса қўшиш улкан аҳамиятга эга.

Бугунги Ўзбекистон жангчиси учун Тўмарис, Широқ, Темур Малик, Муқанна, Спитамен ва Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонлиги, Амир Темур лашкарларининг чидамлилиги ҳамда мардлиги, ал-Хоразмий, ибн Сино, Аҳмад Яссавий, ал-Фарғоний, ал-Бухорий, ат-Термизий, Беруний, Улуғбек, Бобур, Навоий, Форобий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари улуғ бобокалонларимизнинг маънавий мероси ҳамиша муқаддас бўлиши лозим.

Ўзбекистон жангчисининг бурчи – аждодлар анъаналарини муқаддас билиш, мустақил Ватаннинг муносиб ватанпарвари бўлиш. Бу жангчи учун:

– аввало, мустақил Ватанимиз хавфсизлиги учун шахсан жавобгарлик ҳиссини сезиш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари жангчиси деган номни муносиб равишда ва ифтихор билан оқлаш;

– Ҳарбий қасамёд ва Умумҳарбий низомлар талабларига қатъий риоя қилиш, ҳарбий интизомни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш;

– машғулотлар ва дала машқларида бутун куч-қуввати билан ҳаракат қилиш;

– ўз ҳарбий билими ва маҳоратини узлуксиз такомиллаштириб бориш;

– ҳарбий-сиёсий шароитни моҳирлик билан баҳолаш ва ҳар қандай шароитда ўз ҳарбий бурчини бажаришга шай туришдир.

Мамлакатимиз Президенти – Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Биз бугун армиямизни ҳақиқатан ҳам мутлақо янгича, замонавий негизда, авваламбор, юксак маънавий асосда ташкил қилмоқдамиз деган сўзлари маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ, тартиб-интизом, ватанпарварлик, аскарий дўст-биродарлик хусусидадир.

Айнан маънавий соғломлик, ахлоқий тозалик янгиланишга ва тараққиётга кенг йўл очиб беради. Бундай жамиятда Қуролли Кучлар халқнинг жон-тани, мамлакат мустақиллиги, унинг ҳудудий яхлитлиги, тинч ҳаёти ва яратувчилик меҳнатининг кафолати, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг катта мактаби бўлиб қолаверади.

Маънавий-ахлоқий тарбия қатор жиҳатларга эга бўлиб, кўпроқ даражада шахснинг эмоционал-руҳий хислатларига алоқадор сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Шу боис жангчи – Ватан ҳимоячиси учун зарур бўлган қуйидаги сифатлар:

– жангчиларга хос ҳиссиёт, тасаввур, характер жиҳатларини шакллантириш ва ривожлантириш имконини берувчи тарих, маданият, санъат, этика ҳамда эстетика соҳасидаги белгиланган билимлари;

– ушбу билимлар доирасида маънавий-ахлоқий сифатлар, эҳтиёжлар, шахсий хулқ-атворларни шакллантириш ва такомиллаштиришни ўзида мужассамлаштириши керак.

Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини юксалтириш, ҳар қандай вазиятда ҳам мураккаб синовдан шараф билан чиқиш – ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликни, балки юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, энг замонавий қуроллар ва ғоят сир-асрорларини пухта эгаллашни тақозо этади. Бу – ўз навбатида Қуролли Кучларимиз шахсий таркибининг маънавий-ахлоқий тарбияси, мустаҳкам иродаси, фидойилиги, она юртга меҳр-муҳаббати ва садоқатига сўзсиз боғлиқдир.


Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, ҳарбий ислоҳотлар ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни, профессионал тайёргарлигини ва қайта тайёрлашни ташкил этишнинг бутун тизимини қайтадан кўриб чиқишни кўзда тутади. Бу – жангчиларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқатни, юксак маънавий фазилатлар ва мустаҳкам иродани тарбиялашга, профессионализмни, ғоят жанговар тайёргарликни таъминлашга қаратилиши лозим.

Ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар ишчи-хизматчилари билан олиб борилаётган маънавий-ахлоқий, маърифий тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш – қўшинлар юксак жанговар шайлиги ва қобилиятини сақлаш, ўқув-жанговар вазифаларни бажариш, оператив ҳамда жанговар тайёргарликни сифат жиҳатдан яхшилаш, қўшинларда ҳарбий ва меҳнат интизомини, қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти, деб қаралмоқда.

Ҳар ойда ўтказиладиган Ҳуқуқий билимлар ягона куни машғулотларининг дастлабки 15 минут вақти миллий истиқлол ғояси, маънавий-ахлоқий тарбия, этика ва эстетика масалаларига бағишланиб, унда шахсий таркибнинг ахлоқ нормаларига риоя этишлари таҳлил қилинади.

ЭСЛАТМА: Машғулот ва семинар(мунозара) пайтида «Мустақиллик майдони», «Табаррук замин» ва бошқа мавзуга оид ҳужжатли видеофильмлар, Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси томонидан тайёрланган видеомаърузалар намойиш этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.



ОРЗУЛАРИ УЛКАН УНИНГ

Айни пайтда Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, ҳарбийлик йигитлар учун энг нуфузли касблардан бирига айланиб улгурди десак, хато қилмаймиз. Чунки бугун йигитлар орасида энг сара деб топилганларигина ушбу соҳага ўз тақдирини боғлашга муваффақ бўлишмоқда. Бухоро вилояти Пешқу туманининг Қучоқ қишлоғида Абдулла ака Жумаев ва Райҳон опа Файзиевалар хонадони тўнғичи Афзалбек ҳам ёшлигидан мардлар касби ҳисобланмиш ҳарбийликка меҳр қўйди. Йигитнинг офицерликка янада иштиёқини кучайтиришда мактабда ёшларни чақириққа қадар тайёрлаш фани ўқитувчиси Эркин Қозоқовнинг хизматлари катта бўлди. У қалбининг туб-тубида Ватан осойишталиги посбони бўлишни истаган бу жасур йигитга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, уни ватанпарварлик руҳида тарбиялади. Афзалбек устозининг маслаҳати билан ўзи орзу қилгандек, офицер бўлиш илинжида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топширди. Барча синовлардан муваффақиятли ўтгач ўғлон афсус, тест саволлари бўйича керакли баллни жамғара олмади. Бундан у тушкунликка тушмади. Бироз тайёргарлик кўриб, йигитлик мактабида тобланиш учун муддатли ҳарбий хизматга отланди. Афзалбек қўлда қурол билан чегарада туриб юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилар экан, офицер бўлиб, туғилиб ўсган диёри тинчлиги ва осудалиги учун янада кўпроқ хизмат қилишни орзу қиларди. Йигит бир куни офицер бўлиш нияти борлигини тарбиячи офицер Аминжон Ҳусановга айтди. Миллий армиямизга кўплаб хизмати синтан тажрибали офицер орзулари осмон посбонга қўлидан келган ёрдамини аямади.

Оддий аскар Афзал Жумаев устоз офицерларининг маслаҳати билан чегарачи бўлиш ниятида яна Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топширди. У ҳозир кириш имтиҳонларига жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

– Ҳарбий билим юртига ҳужжат топширишимда капитанлар – Олег Атимов ва Тоҳир Қурбонов менга яқиндан ёрдам беришди, – дейди биз билан суҳбатда бухоролик посбон Жумаев. – Энди устозларимнинг ишончини оқлаб, курсант бўлишга аҳд қилганман. Бундан албатта ота-онам ҳам қувонади.

Айни пайтда Афзал сингари эгнига ҳарбий либос кийиб офицер сифатида юртини ҳимоя қилишга чоғланган йигитлар ҳарбий билим юртларида дастлабки синов имтиҳонларини топширяптилар. Мана шундай оташқалб йигитлардан яна бири бухоролик оддий аскар Фарҳод Раҳмоновдир.

– Муддатли хизматга келгач, ҳарбийлик оҳанграбодек мени ўзига жалб қилди. Ота-онам билан маслаҳатлашиб, офицер бўлишга қарор қилдим. Ҳозир дастлабки имтиҳонларни муваффақиятли топширдим. Ўйлайманки, галдаги тест синовлари ҳам у қадар қийинчилик тугдирмайди.

Биз абитуриентлар билан суҳбатлашиш мақсадида ҳарбий билим юртида бўлганимизда, уларга қулай шароит яратилганининг гувоҳи бўлдик. Курсантлик остонасида турган бу йигитлар эса ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланиб, ўз билимларини бойитишмоқда. Уларнинг ҳарб илмларини ўрганиб, касбга янада меҳр қўйишида, подполковник Аъзамжон Каломов, катта лейтенант Хуршид Жабборов сингари фидойи офицерларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

– Ҳарбий билим юртимизга ҳужжат топширган абитуриентлар сони тобора ортиб бормоқда, – дейди майор Шариф Нормуродов. – Ҳозир ҳар ўринга 8-9 та талабгор тўғри келмоқда. Улар билан суҳбатлашсангиз йигитларнинг ниҳоятда зукко эканлигига гувоҳ бўласиз.

Дарҳақиқат, ёшларимиз орасидан энг сара ва зукколари офицер бўлишга қизиқиб, ҳарбий билим юртларига ҳужжат топширишаётганларини кўриб, қувонасан киши. Ахир миллий армиямиз сафларини бу каби фидойи, юртпарвар ўғлонлар билан бутлаш бугуннинг талаби эмасми?!

Сейман НАЗАРОВ.

ОРОМГОҲ – СЕВИМЛИ МАСКАН

Яқинда Мудофаа вазирлиги болалар соғломлаштириш оромгоҳларидан – «Тонг»да 2006 йил ёз мавсумининг очилиш тантаналари бўлиб ўтди. Ушбу маросимда иштирок этиш, қолаверса болажонлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш мақсадида мазкур дам олиш масканида бўлдик.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳудудига кирар эканмиз, тиббий пункт олдида йиғилиб турган ўғил-қизлар эътиборимизни тортди. Табийки, одамлар гавжумлиги боиси билан қизиқдик.

– Болалар саломатлигини таъминлаш ҳамда уларнинг организмида пайдо бўлувчи ҳар қандай ўзгариш, ноҳушликни ўз вақтида аниқлаш мақсадида уларни доим тиббий кўрикдан ўтказамиз, – дейди тиббиёт пункти бошлиғи Альфия Даминова. – Шунингдек, бир неча бор уларнинг вазн ҳамда бўй узунлиги кўрсаткичлари рўйхатга олинади. Бундай кўрсаткичлар тегишли мутаносибликни чиқариш ҳамда зарурат туғилганда кўрсатмалар беришга ёрдам беради.

Сардорлар штаби яъни, дам олувчиларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари ҳамда қизиққан машғулотлари билан шуғулланишлари учун ташкил этилган турли тўгараклар мавжуд бинода гуруҳ сардорлари йиғилиши бўлаётган экан. Оромгоҳ бошлиғининг ташкилий ишлар бўйича ўринбосари Фарида Орифжонова раҳбарлигида ўтган тадбирнинг ҳар бир иштирокчиси демакки, гуруҳ сардори етакчилик қилаётган жамоа аъзоларининг қай тарзда дам олаётгани, нима билан машғул бўлиши ҳамда таътилнинг мазмунли ўтиши учун қандай саъй-ҳаракатлар қилинаётгани ҳақида қисқача маълумот бериб ўтди. Йиғилиш сўнгида эса, энг фаол гуруҳ, ташаббускор сардор овоз бериш йўли билан аниқланди.

Фарида опанинг айтишича, бундай ўзига хос йиғилишлар мунтазам равишда ўтказилади ҳамда болажонларнинг оромгоҳда ўтувчи ҳар бир кунини уларнинг қизиқиши, интилишлари асносида режалаштириш қолаверса, уларда етакчилик, киришувчанлик, ташкилотчилик хусусиятларини шакллантириш, мустақил фикрлашга чорлаш каби мақсадларга қаратилган.

Юқорида турли тўгараклар фаолият кўрсатиши ҳақида гапириб ўтилди. Бисерли тикиш, тасвирий санъат, рақс, шашка ва шохмот, волейбол, футбол, сузиш, бадиий хайкалтарошлик ва ниқоблар ясаш сингари тўгараклар шулар жумласидандир. Шунингдек, илмга чанқоқ ҳамда изланувчан ўғил-қизлар кутубхонадан фойдаланишлари мумкин.

Болажонларни жисмонан чиниқтириш ҳамда билим даражасини ошириш мақсадида қандай тадбирлар ўтказилиши ҳақида сўраганимизда оромгоҳ бошлиғи Людмила Васьковская жумладан шундай деди:

– Доимий тарзда ташкиллаштириладиган «Қувноқ экспресс», «Цирк», «Спартакиада», «Хонимлар ва жаноблар», «Ҳиндулар», «Рицарлар беллашуви», «Озодалик мамлакатига саёҳат», «Шарқий бозор» сингари ўйинлар дам олувчиларга жуда манзур бўлиб, уларнинг ҳар томонлама чиниқишига ёрдам беради. Маълумки, мустақиллик байрами ҳам тобора яқинлашмоқда. Ушбу умумхалқ айёмига бағишланган «Ўзбекистон – тўйинг муборак» тадбиримиз ёшларни ватанпарварлик, она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, жонажон диёрига бўлган меҳр-муҳаббатини кучайтиришга қаратилган.

Мулоқотимиз сўнгида Людмила опа яқиндагина оромгоҳга янги маиший техника, зарур жиҳозлар ажратилганлиги ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик, ёрдамдан миннатдор эканлигини таъкидлаб ўтди.

Энди, болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавсумий очилиш маросими ҳақида тўхталсак. Дам олувчиларнинг саф тортиши билан бошланган тадбир аввалида давлатимиз мадҳияси янгради. Қўли кўксида, ўзлари эса мадҳияга жўр бўлган ўғил-қизларни кўриб, севинасан киши. Бундай ёшлар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юрт ривожига ҳисса қўшиш иштиёқида ёнаётгани шубҳасиз.

Тантанали маросим давомида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртидан офицер Шуҳрат Абдуллаев, мудофаа вазирлиги масъул ходимаси Моҳида Отабоевалар самимий тилакларини билдиришди. Қуролли Кучлар Марказий ансула ва рақс ансамбли вакиллари ҳамда оромгоҳда дам олаётган болажонлар ҳамкорлигида тайёрланган ранг-баранг концерт дастури тақдим этилгач, барча байрамона дастурхон атрофига йиғилди. Табиийки, бундай тадбирлар гулхан ёқилиши билан якунланади. Шундай бўлди ҳам.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
Даврон МУТАЛОВ.
Тимур Каримов олган суратлар.











МАЪНАВИЯТ



ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Соҳибжамоллар саҳифасининг бу галги меҳмони – латофатли тенгдошингиз Хуршида Бурҳонова.

У айни пайтда коллежни тамомлаб, Бухоро давлат университетида ишламоқда.

Келажакда эса иқтисодиёт соҳасида ўқиб, билим ва малакасини оширмоқчи. Компьютер билимларига, рақс ва спорт соҳаларига қизиққан Хуршидахон дўстлик, вафо-садоқат туйғуларини жуда қадрлайди. Дўстлари кўп бўлишини хоҳлаб, дунёнинг турли бурчакларидан дўстлар орттиришни ва саёҳат қилишни орзу қилади.

– Китоблар мутолаа қилишга, мусиқага, пазандалик сирлари ва тикиш-бичишга ҳам алоҳида вақт ажратиб, мудом тажрибамни ошириб бораман, – дейди у. – Мақсадим эл-юрт равнақи учун фидокорона хизмат қилиш.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

СМИ И ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ

В Министерстве народного образования Узбекистана состоялась конференция, посвященная вопросам освещения в средствах массовой информации реформ в сфере образования.

Ярким свидетельством реформ служит последовательно осуществляемая Национальная программа по подготовке кадров и ее логическое продолжение – Государственная общенациональная программа развития школьного образования на 2004–2009 годы.

Важными направлениями программы также является создание эффективной системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации учителей, стимулирования их труда. Важно и то, что в результате заботы и внимания со стороны государства престиж педагогического труда неизмеримо вырос.

Вместе с тем особое внимание уделяется оснащению школ современным учебно-лабораторным оборудованием, компьютерной техникой, учебниками и учебно-методическими материалами.

(УзА).

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Отахон шоиримиз Назарматнинг қуйидаги шеъри анчадан бери қўшиқ бўлиб янграмоқда. Ўйлаймизки, у сизларга жуда манзур.

ОНА ЭЛ МАДҲИ

Ой порлар юлдузли байроғингда эл,
Темурнинг руҳи бор тупроғингда эл,
Сени ўзгаларга ишонмаймиз ҳеч,
Эркин деб тепади қалблар эрта-кеч.

НАҚОРАТ:

Она эл ўзбегим фарзандларингмиз,
Эркингга фидойи посбонларингмиз,
Биз Турон элининг азму мадори,
Асли бир қон-қардош пайванди бари.
Садоқат меҳридан одимлар шахдам,
Она эл, сен учун жон фидо ҳар дам.

Оламга туташдир мустақил йўлинг,
Ҳамкорлик қадрини улуғлар элинг,
Баҳоринг эркимиз, тақдиримиз у,
Биз уни қўриқлаб яшаймиз мангу.

НАҚОРАТ.

Менинг ўлкам

ОСМОН ОСТИДАГИ ОЧИҚ МУЗЕЙ

Бу йил Хива шаҳрида музей очилганига 85 йил тўлди. Аслида, Хиванинг ўзи музей, тўрт дарвозали пахса девори, хонларнинг саройлари, масжид, мадраса, минора, мақбара ва бошқа меъморий обидалар унинг экспонатларидир. Бу экспонат, обидаларнинг ичида эса Хоразм халқининг минг йиллик тарихидан гувоҳлик берувчи ажойиботлар жой олган.

Дунёнинг қадимий шаҳарларидан бири, асрлар мобайнида инсониятнинг маънавий ва моддий маданияти ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келган. Хивани шунинг учун ҳам осмон остидаги очиқ музей – шаҳар деб аташади. Жаҳон сайёҳлигининг марказларидан саналган бу шаҳарда 130 дан зиёд меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган.

Буюк Ипак йўлида жойлашган ушбу шаҳардан хоразмлик олимларнинг асарлари ва кўпгина бадиий ҳунармандчилик намуналари дунёга тарқалган. Ушбу осори-атиқалар ҳанузгача Рим, Париж, Лондон, Копенгаген, Берлин, Истанбул, Қоҳира, Санкт-Петербург, Москва, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги йирик музейлар экспозицияларини безаб турибди.

Хива хонлигида архитектура ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш ишлари қадимдан одат тусига кирган бўлса, осори-атиқаларни йиғиш ва ўзига хос музей ташкил қилишга дастлаб XIX аср охири Муҳаммад Раҳимхон II даврида киришилган. Бунга Хива хонлигида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик буюмлари ҳамда архитектура ёдгорликларининг фотосуратлари Россия ва жаҳон кўргазмаларида намойиш этилиши ҳам сабаб бўлган. Чунки, 1890 йилда Тошкентда, 1895 йилда Нижний Новгороддаги Бутунроссия кўргазмаларида, 1900 йилда Парижда, 1904 йилда Америкaнинг Миссури штатининг Олои шаҳрида ўтган Халқаро ярмаркаларга Хива хонлигидан 16 соҳа бўйича ҳунармандчилик ишларининг гўзал намуналари юборилган. Париждаги энг нуфузли кўргазмада эса Хоразм маданий ҳаёти акс этган Бомачинский томонидан олинган 143 та фотосуратлари ҳам намойиш қилиниши қувончли ҳол.

1898 йил 12 апрелда Муҳаммад Раҳимхон II Кўҳна Урганч, Хўжазли ва Қўнғирот ҳокимларига: «Қадимдан қолғон ёдгор нимарсаларни йўқ қилдирмасунлар, ҳар тариқа кўҳна жой ва қалъа ва иморатлар бўлса, не тариқа бино бўлғонларини ва кўҳна тилла ва танга ва фуллар бўлса борлаб топиб мунда юборсун», деб буйруқ беради. Лекин, тўпланган буюмлар Россияга юборилиши натижасида Хиванинг ўзида музей очилиши орқага сурилиб, 1920 йилдагина амалга оширилди. Ўша йил 11 апрелда Хоразм халқ шўролар жумҳуриятининг муваққат ҳукумати «Хива халқининг ўтмиши ва ҳозирги пайтдаги маданиятига оид барча буюмларни, шунингдек, хонлик зулмининг жазо қуролларини халққа кўрсатиш ва келгуси авлодлар учун сақлаб қолишни назарда тутиб, халқ музейи ташкил этилсин», – деган қарорни қабул қилади.

Музей-кўргазма 1920 йил 27 апрель куни Бутунхоразм халқ вакиллари I Қурултойи қатнашчиларининг иштирокида, эски хонлар қароргоҳи – Кўҳна Арк биносининг арзхонасида очилди.

Хива шаҳрининг ички қалъасидаги 1831–1839 йилларда қурилган улкан Тошҳовли саройида Оллоқулихоннинг авлодлари 1924 йилгача яшаганлар ва бу саройни ўз мулки ҳисоблаб, унинг жиҳозларини сота бошлаганлар. Бундан хабар топган шўро ҳукумати музейни Тошҳовли биносига кўчириб, саройни ҳам ўз ҳисобига киритган.

Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг 1967 йил 30 ноябрдаги қарори билан «Хива тарихий меъморий музей» деб эълон қилинган. 1969 йил 29 июлдаги қарорига мувофиқ эса Хива Давлат тарихий меъморчилик «Ичан-Қалъа» музей-қўриқхонаси ташкил қилинди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин музейлар фаолиятини яхшилаш, уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника билан бойитиш, тарихий обидаларни таъмирлаш, янги музейлар ташкил қилиш ва йўл кўрсатгич, каталог, буклетлар нашр қилишга катта эътибор берилган. 1994 йил 23 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг Республика музейлари фаолиятини яхшилаш ва 1998 йил январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, 2001 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши, бунинг яққол ифодасидир.

Ботир ДАВЛЕТОВ,
Хивадаги «Ичан-Қалъа» Давлат меъморий музей-қўриқхонасининг директори.
Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ,
журналист.
(Давоми бор).



ЙИГИТЛИК БУРЧИ

қисса

II боб. АРМИЯ ҲАЁТИ БИЛАН ТАНИШУВ



(Давоми. Боши газетанинг 23-, 24-,25-сонларида).

Алишер эрталаб тапир-тупир, шовқин товушдан уйғониб кетди. «Взвод, уйғон!» деган командани эшитмай қолган экан. Шошиброқ қолди. Бошқалар ҳам шу аҳволда эди. Чоп-чоп, югур-югур, каравотлар ғичирлайди, дупур-дупур қадам товушлари. Сержант эса жимгина уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турарди. Кейин билишса, аскарларнинг ўриндиқларидан туриб, кийиниб, сафга тизилишлари учун бор-йўғи 45 сония ажратилар экан.

Турган гап, бу вақт ҳаммага камлик қилди. Кўпчилик улгуролмади. Сержант эса яна ҳаммага ётишни буюрди, яна туришди, яна қайтадан сафга туришди, бу ҳаракатлар яна қайтарилди. То ҳамма улгургунча!

Шундан кейин ҳаммалари жисмоний тарбия машқларини бажаргани спорт майдончасига чиқишди. Эрталабки текширув пайтида врач ҳам қатнашди, уларни текширди, оёқ кийимлари сиқмаётгани, ким ўзини қандай ҳис қилаётгани билан қизиқди. Эрталабки нонуштадан кейин эса ҳаммаларини клубга бошлаб киришди.

Бу ерда жуда қизиқ гаплар бўлди. Қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ана шулар, хизматга келган ҳарбий қисм босиб ўтган йўл, қилинадиган ишлар, тартиб-интизом ва «Ҳарбий қасамёд»га тайёргарлик кўриш ҳақида гапирди.

Ҳарбий прокуратура вакили бўлса, ҳарбийларнинг бурч ва вазифалари, қонунчиликда кўзда тутилган қоидалар билан таништирди.

Қайси бир маҳалла вакили бўлса, ота-оналар номидан ҳарбий қисмга миннатдорчилик билдириб, аскар йигитларга яратилган қулайликлар, шарт-шароитлар учун ташаккур билдирди, «Шахсан ўзим, – деди у тўлқинланиб, – бу ердаги тартиб-интизомни кўриб ҳавасим келди. Ҳукуматимиз, Мудофаа вазирлигимиз сиз фарзандларимизга қандай ғамхўрлик кўрсатаётганларини ўзларингиз кўриб турибсизлар. Бунинг учун муносиб бўлишларингиз керак. Ана шу, сизларнинг «раҳмат»ингиздан бўлади!...»

Йиғин охирида ёш аскарларни тайёрлаш бўйича мутассади капитан Муҳиддинов сўзга чиқиб, бу ерда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, жанговар тайёргарлик бўйича ўқув машғулотлари ўтказилишига алоҳида тўхталиб ўтди.

Учрашув сўнгида аскарларга концерт ташкил этилган экан. Мириқиб куй-ашулалар эшитишди.

Аммо, буларнинг ҳамма-ҳаммаси ҳали бошланиши эканлигини, ҳақиқий ҳарбий хизмат олдинда турганлигини ҳаммалари юрак-юракдан ҳис қилиб турардилар...

Орадан икки кун ўтгач, режалаштирилган ишлар бошланди.

Алишер билан Баҳром худди ўзлари кутишганидек битта гуруҳга, ҳайдовчилар бўлинмасига тушишди ва шу тақлид ўқув машғулотлари бошланди.

Ётоқхона йўлагига ўқув жадваллари осиб қўйилди. Буниси энди, улар ҳарбий ҳаётдан ташқарида юрганларида, мактабларда кўрган жадваллардан мутлақо фарқ қиларди. Сержант Ортиқов буни оддийгина тушунтириб қўяқолди.

– Ўзинглар кўрдинглар, – деди у. – Бу ерда кун эрталаб жисмоний тарбиядан бошланади. У уч қисмдан иборат. Қишда жисмоний тарбия учун ўттиз дақиқа ажратилса, ёзда эллик дақиқа ажратилади. Сизлар эрталабки машғулотларга чиққан пайтларингда, ички наряддаги аскарлар хоналарни йиғиштириб, тартибга соладилар, ҳаво алмаштирадилар. Эрталабки ювиниш, ўзини тартибга келтириш, оёқ кийимларини тозалаш... аскар ҳаммасини қай пайтда қанча муддат ичида бажаришини ёддан билиши керак.

– Савол беришга рухсат берсангиз, ўртоқ командир? – деди аскарлардан бири. – Эрталаб туришдан олдин уйғониб, ювиниш, соқол олиш мумкинми?

– Йўқ, – жавоб берди командирнинг ўрнига сержант Ортиқов. – Армия бу яхлит бир организм. Бу ерда ҳамма бир вақтда ҳаракат қилишга бўйсунади. Тартиб шунақа!

– Тушунарли, – деди аскар бўшашиб.

– Унда давом эттирамиз, – деди командир. – Эрталабки кўрик вақтида сафдаги гуруҳ, уларнинг ташқи кўриниши, гувоҳномаси, кимнинг машина бошқариш учун гувоҳномаси бўлса у текширилади. Агар кимнинг тоби йўқроқ бўлса, беморлар қайд этиладиган дафтарга қайд этилиб, кейин врачга кўрсатилади. Овқатланиш тартиби ҳақида айтдим. Булардан ташқари сафда юриш ва оммавий қирғин воситаларидан ҳимояланиш бўйича ҳам ўқув машғулотлари ўтказиб борилади. Эрталабки ахборотлар орқали эса ҳар бир ҳарбий хизматчи мамлакатимиздаги ва чет эллардаги янгиликлар билан таништирилади. Ўқув машғулотлари учун олти соат белгиланган.

Йигитлар шу куни яна жуда кўп нарсаларни билиб олишди.

Бу ерда ҳар бир иш дақиқа-дақиқасигача ҳисоб-китоб қилиб чиқилган экан. Айтайлик, ўқув кунларидан ташқари, шанба кунлари парк-хўжалик куни ҳам жорий этилган, маданий ҳордиқ чиқариш учун маълум соатлар белгиланган, кечки пайтлар қисм клубида бадиий фильмлар намойиш қилинар, якшанба эса дам олиш тадбирлари учун ажратилган экан. Эрталабдан телевизор орқали «Ватанпарвар» кўрсатувини томоша қилишади, шу куни аскарларга ошхонада палов дамлашди. Тушликдан кейин дам олишди. Музейларга, тарихий диққатга сазовор жойларга боришди.

Уларнинг ҳафталик ўқув-машғулотлари жадвали тахминан шундай тузилган эди.

Аскар йигитлар шулар билан таништирилгандан кейин, сержант «Саволлар борми?» деганди, йигитлар «Дам олиб айланиб келиш қандай ташкил қилинган?» деб сўрашди.

Йигитлардан бири эса, акасининг армияда шанба-якшанба кунлари дам олиш учун рухсат берилиши ҳақида гапириб берганини айтди.

– Яна савол мумкинми? – сўради Алишер.

– Марҳамат, – деди сержант Ортиқов.

– Сиз ҳамма нарсани шундай батафсил гапириб бераяпсизки, – деди Алишер, – Мен қисмга келганимга уч кун бўлса-да, олдинда ўзимни нималар кутаётганини, нималар билан шуғулланишимни билиб олдим.

– Ўртоқ аскар! – жавоб берди сержант. – Бу низом бўйича менга юклатилган вазифа. Мен армия сафига янги чақирилган ёшларни, ўзимга ишониб топширилган шахсий таркибни иложи борича тезроқ ҳарбий ҳаётга кириб боришларини таъминлашим керак. Сизларнинг бугунги ҳаётингиз аввалги ҳаётингиздан мутлақо фарқ қилади. Уёқда сизлар истаганда ётиб, истаганда туриб, хоҳлаган жойингизга бориб, вақтни ўзингиз белгилаб юрардингизлар. Армия ҳаёти эса низом билан белгиланади. Мен сержант, кичик командир сифатидаги вазифам эса доим сизлар билан бирга бўлишни, ўз вазифаларингизни виждонан ўргатишни, ҳар бир ишга катта масъулият билан ёндашишга кўникма ҳосил қилишларингизга ёрдамлашишни тақозо этади. Сизлар армияда ниманки қилсанглар, ҳаммаси Ватанни, халқимизнинг тинчлигини ҳимоя қилиш учун тайёргарликка қаратилган. Шу сабабдан ҳам, сизларга қурол ишониб топширилади. Бир нарса эсингизда турсин, уёқда ота-оналарингиз, юртдошларингиз сизларни биладилар ва сизларга ишонадилар. Сиз аскарлар, Ватанимиз ва халқимизнинг тинчлигини ҳимоя қилиш учун ҳамиша тайёр туришингиз керак. Оддий аскар дегани, оддий гап эмас, унинг зиммасида жуда катта масъулият бор. Масалан, сизларнинг ҳаммаларингиз ҳайдовчиларсиз. Хўш, бугунги кунда ҳарбий машиналарни бошқарувчи аскарларнинг вазифаси нималардан иборат? Шуни унутмангларки, нафақат ўзингизни, балки дўстларингизнинг ҳам тақдири сизларни тайёргарлигингизга боғлиқ. Яъни сизлар машиналарда шахсий таркибни, тўплар ва гаубицаларни олиб юрасизлар. Яхши, энди давом этамиз!

Сержант Ортиқов шундан кейин қуролни тозалаш учун бир соат ажратилишини, ҳарбийлар эртанги ўқув машғулотларига мустақил тайёргарлик кўришлари учун бир-икки соат вақт белгиланганини, кечки пайт эса оммавий-спорт ва маданий тадбирлар учун бир соат берилганини тушунтирди.

Полковник Баҳодир ҒАФУРОВ.
(Давоми бор).

Кўнгилга таъриф



ҚЎШИҚНИ ФАРЗАНДИМДЕК АВАЙЛАЙМАН

– Умидахон, кейинги пайтларда сиз телеэкранда жуда ҳам кам кўринаяпсиз, бунинг бирор сабаби борми?

– Инсон ёши улғайган сари кўп нарсаларни тушунар экан. Кеча ўзингиз севиб ижро этган хит қўшиқ, бугун кулгули туюлиб қолиши мумкин. Нокамтарликка йўйманг-у, бугун ўзбек эстрадасида маза-бемаза қўшиқлар ниҳоятда кўпайиб кетди, ана шундай олди-қочдилар ичида, очиғи обрўйимни тўкишни истамайман. Чунки қўшиқ дунёга келгунига қадар, бир қанча одам тер тўкади. Унинг мазмунлилиги, халққа ёқиши нафақат хонандага, балки бастакор, аранжировкачи, шоирга ҳам боғлиқ. Бундан ташқари маблағ, студия, промоушн деган нарсалар бор. Шундай бўлгач, ижод маҳсулини «увол» қилиб қўймаслик учун уни фарзандимдек асраб-авайлашга мажбурман. Бир қатор қўшиқларимни телевидениенинг мусиқа бўлимига берганман. Бироқ баъзи бир сабабларга кўра уларнинг эфирга узатилиши орқага сурилиб келаяпти.

– Хонанданинг ҳаёти шоу бизнес билан боғлиқ. Айнан шу соҳа унинг тирикчилик манбаидир. Умуман, сиз «шоу бизнес»ни қандай тушунасиз?

– Чет давлатларда бўлганимда шоу бизнесни вужудга келтириш учун камида уч йиллик тинимсиз меҳнат зарурлигининг гувоҳи бўлганман. Чет давлатларда шоу бизнесменлар бир сюжет устида камида беш йил ишлашади ва шундан кейингина уни жаҳон бўйлаб намойиш этишади. Бу айтишга осон, аммо унинг замирида бир дунё машаққатли меҳнат, изланишлар ётади. Бир ҳафта ёки бир ой чала-чулпа тайёргарлик қилиб, концерт уюштирилиши бу биринчи галда томошабинларга нисбатан ҳурматсизликдир. Бизда авж олган кўчирмачилик ва енгил-елпилик, афсуски эстрадамизнинг ривожига тўсқинлик қилмоқда.

– Баҳор, ёз мавсумида кўплаб хонандалар Тошкентнинг нуфузли санъат саройларида концерт бера бошлайдилар. Сиз қачон мухлисларга «ҳисобот» топширмоқчисиз?

– Концерт беришнинг ўзи бўлмайди. Ҳамма санъаткорларимиз орзу қиладиган «Халқлар дўстлиги» санъат саройида мухлислар билан дийдорлашишни биз ҳам ният қилганмиз. Боиси у кенг ва имкониятлари катта. Мухлислар бемалол қўшиқ тинглаш имконига эгадирлар. Бугун концерт уюштириш жуда қийин бўлиб кетди. Бир томондан мухлисларни жалб этиш бўлса, иккинчи тарафдан маблағ масаласи хонандага етарлича муаммо туғдиради. Саҳна безакларидан тортиб, то грим гача бўлган жараёнларнинг барчаси пулга бориб тақалади. Икки ёки ўн кун концерт қўйишнинг ижодий томонларини ҳал қилиш осон, аммо ижара ҳақи, афишалар чиқариш, реклама роликларини тайёрлаш... санасак адо бўлмайди. Шу сабабли биз қачонки қарзсиз, ёруғ юз билан ўтказиш имкониятига эга бўлганимиздагина концерт қўямиз. Яна «саҳна орти»даги айрим важлар ҳам борки, хонанда ниятини амалга ошишини кечиктиради.

– Ҳозир эфирда чет эл мусиқа йўналишлари рэп, хип-хопда ижод қилаётган ёшларимизнинг қўшиқлари тез-тез янграмоқда. Ана шу қўшиқларни эътибор билан тингласангиз, русча сўзлар аралашиб кетганлиги, матн эса аксарият бир-бирига боғланмаган сўзлар мажмуасидан иборат эканлигини кўрасиз.

– Ҳа, бу ҳолат ўзбек эстрадасининг энг долзарб муаммоларидан биридир. Лекин мен бунга ижобий қарайман. Чунки ҳар ким ўзи ёқтирган мусиқани тинглайди. Тўғрисини айтиш керак. Кўпчилик ёшларни мақом эшитишга мажбурлаб бўлмайди. Уларнинг ёшида томирлар қоннинг ғайратидан бўртиб туради. Ёшларга тезкорлик хос. Мазкур йўналишда ижод қиладиган ёш хонандаларнинг концертига кираётган томошабинлар ҳам асосан ёшлар. Шундай экан паст савияда қўшиқнинг вужудга келишига бир томондан тингловчилар, бир томондан эса пули тўлангач, қўшиқ савиясидан қатъи назар эфирга берилишида телевидениенинг масъул ходимлари ҳам айбдордир. Халқ истаса, савиясиз хонандалар бир «ҳамладаёқ» эътибордан қолишади. Мен ҳам гоҳи-гоҳида қоғоз қоралаб тураман. «Оқ атиргуллар» қўшиғимнинг ғояси менга тегишли бўлсада, матн шоирники. Бу билан санъаткор шеър ёзишга ҳақлимас, деган фикрдан йироқман. Кимки бунинг уддасидан чиқса, ҳеч ким унга тўсқинлик қилмайди.

– Сир бўлмаса, мухлислар учун бирор бир янгилигингиз борми?

– Нега энди сир бўлар экан? Мухлисларимиз учун иккита янги қўшиқ тайёрладик. Биринчиси «Кетай, дейман», иккинчиси «Ёр-ёр». Бу қўшиқлар мутлақо янги услубда куйланган ва улар мухлисларимга маъқул бўлади, деган умиддаман.

– «Ватанпарвар» газетаси муштарийларига тилакларингиз?

– Барчага тинч-осуда ҳаёт, мустаҳкам соғлиқ тилайман. Куй-қўшиққа ошно қалбларга ғам-қайғу ҳеч қачон инмасин.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
Наргиз ҚОСИМОВА
суҳбатлашдилар.

Қўшиқ инсонни орзулар уммонига етаклайди. Қўшиқ сеҳри қалбдаги энг эзгу ниятларни рўёбга чиқаради, одамни яхшиликка чорлайди. Хонанданинг ширали овози гўёки сенинг дардингни куйлайди. Хаёлот оғушида ардоқлаб, маънавий озуқа беради.
Бугунги меҳмонимиз ўзига хос ижрочилик йўли ва ёқимли овози билан элга танилган хонанда Умида Мирҳамидовадир. Қўшиқ шайдолари унинг «Алвидолар айтинг», «Жоним», «Сайранг булбулим, сайранг» «Оқ атиргуллар» каби ажойиб хонишларини тинглаб, завқ оладилар, санъаткор билан биргаликда инсон ҳаётининг кечинмалари гулзорида сайр қиладилар.

Театральный сезон

ВСЕ ЗВЕЗДЫ – В БОЛЬШОМ

В Государственном академическом Большом театре оперы и балета имени Алишера Навои завершился 76-й творческий сезон. По традиции финалом года стал великолепный гала-концерт с участием ведущих солистов ГАБТа. Оркестром поочередно дирижировали народный артист Узбекистана Сулейман Шадманов, заслуженный деятель искусств республики Фазлиддин Якубжанов и заслуженная артистка Каракалпакстана Аида Абдуллаева. Увертюрой к опере Глинки «Руслан и Людмила» было положено начало музыкальному вечеру. Первым на сцену вышел заслуженный артист Узбекистана Аваз Раджабов, исполнивший пролог к опере Р.Леонкавалло «Паяцы».

Лауреат премии «Нихол» Сайда Мамадалиева исполнила нежную арию Айхон из известной оперы великого узбекского композитора Сулеймана Юдакова «Проделки Майсары». Прекрасно звучал и пламенный дуэт Айхон и Чупана, исполненный Саидой Мамадалиевой совместно с Рамзиддином Усмановым. Заслуженный артист республики Руслан Гафаров задорно спел «исповедь счастливого человека» – песенку Томского из оперы П.Чайковского «Пиковая дама». И после исполнения многочисленных арий из опер отличным дополнением программы стал легкий русский танец из балета «Щелкунчик», который исполнили Ольга Дырда и Зураб Микелядзе. От души можно было посмеяться во время выступления молодых артистов театра Махфузы Исламовой, Лятифе Абиевой и Наджмиддина Мавлянова, прекрасно сыгравших в комической опере В.Моцарта «Директор театра». «Сладкоголосый» ведущий солист театра Нурмумин Султанов как всегда блестяще отыграл свою многозначительную роль, исполнив арию Назира из оперы Ж.Бизе «Искатели жемчуга». И вновь весь зрительный зал замер в предвкушении восторга, когда на сцене появились четыре маленьких лебедя, готовых исполнить знаменитый танец из балета П.Чайковского «Лебединое озеро». Талантливо и с душой исполнила арию Джаконды из одноименной оперы Панкьери заслуженная артистка Узбекистана Гульшан Азизова. Незабываемым моментом стало выступление ведущего солиста, обладателя богатого баса Кирилла Борчанинова, спевшего арию Филиппа из оперы Дж.Верди «Дон Карлос».

Народный артист Каракалпакстана Кенгисбай Серханов безупречно исполнил арию Отелло из одноименной оперы Дж.Верди. Арию Эльвиры, демонстрируя высокое мастерство владения голосом, исполнила народная артистка Узбекистана и Каракалпакстана Муяссар Раззакова. Гала-концерт явился блестящим завершением театрального сезона в Большом.

Эналида ТЯН, Рамиль ИСЛАМОВ.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Футбол. Жаҳон чемпионати – 2006

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Германия яшил майдонларида қизғин давом этаётган футбол байрами ҳам ўз экваторига етиб келди. 24 – 27 июнь кунлари жаҳон чемпионатининг нимчорак финал ўйинлари ҳам бўлиб ўтди ва ким аслида ким эканлиги янада яққол намоён бўлди. Ушбу босқич учрашувлари ҳақида стенографик тарзда қисқача маълумотлар бериб ўтамиз.

Демак, **24 июнь** – 1/8 финал учрашувларининг дастлабки куни майдонга Германия ва Швеция футболчилари чиқдилар. Учрашув деярли тўлиқ германиялик футболчилар устунлиги остида ўтди. Улар 4-дақиқадаёқ ҳисобни очишди (гол муаллифи Л.Подолски). 12-дақиқада эса яна бир тезкор ҳужум уюштирган немис футболчилари айнан Подолскининг чиройли зарбасидан сўнг 2-тўпни киритишга муваффақ бўлишди. Швед футболчилари қанча ҳаракат қилишмасин, кундан-кунга ўйини очилиб бораётган германияликларга бас кела олишмади ва учрашув 2:0 ҳисоби билан якунланди.

Шу куни ўтказилган иккинчи учрашувда Аргентина ва Мексика жамоалари ўзаро баҳс олиб бордилар. 7-дақиқада Р.Маркес мексикалик футболчиларни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Орадан 3 дақиқа ўтар-ўтмас моҳир ҳужумчи Э.Креспо ҳисобни тенглаштирди – 1:1. Ана шу натижа ўйинни охиригача сақланиб қолганлиги сабабли ҳакам қўшимча 30 дақиқа вақт белгилашга мажбур бўлди. 98-дақиқада омад аргентиналик футболчиларга кулиб боқди. Родригеснинг чиройли ва аниқ зарбаси Аргентина жамоасига 2:1 ҳисобида ғалаба келтирди.

25 июнь. Англия ва Эквадор терма жамоалари учрашуви англияликлар устунлигида ўтган бўлса-да, улар фақат битта гол киритишга муваффақ бўлишди (60-дақиқа, Д.Бекхэм) ва ана шу ягона тўп туманли Альбион вакилларини чорак финалга олиб чиқди.


Шу кунги иккинчи плей-офф учрашуви мухлислар ва мутахассислар ёдида узоқ сақланиб қоладиган воқеаларга бой бўлди. Россиялик ҳакам В.Иванов бошқарган Португалия–Голландия учрашувида ҳакам 4 ўйинчини икки мартадан қоидани бузганлиги учун майдондан четлатди, 12 нафар ўйинчига эса сариқ карточка кўрсатди. 23-дақиқада Манише киритган ягона тўп учрашув тақдирини ҳал қилди ва португалияликларни кейинги босқичга олиб чиқди.

26 июнь. Чемпионат фаворитларидан бири бўлмиш Италия футболчилари Австралия терма жамоасини синовдан ўтказишди. Ўйин муросасиз ва тенг курашлар остида ўтди. Жамоалар 90 дақиқа мобайнида ҳимояга кўпроқ эътибор қаратганликлари сабабли дарвозаларга бирорта ҳам тўп киритилмади. Ўйиндаги тўхташлар сабабли ҳакам 4 дақиқа вақт қўшиб берди ва айнан шу вақтда ҳакам австралияликлар дарвозасига баҳс-мунозарага сабаб бўлган пенальти белгилади. Тотти ушбу имкониятдан фойдаланиб ҳисобни очди ва ана шу ягона тўп италияликларни чорак финал иштирокчисига айлантирди.

Иккинчи учрашувда эса Швейцария ва Украина терма жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди. Ўйиннинг асосий вақти ва ҳакам томонидан белгиланган қўшимча 30 дақиқа ҳам ғолибни аниқлаб бера олмади. Плей-офф учрашувларида биринчи марта ғолиб пенальтилар сериясига кўра аниқланди. Украиналиклар дарвозабони А.Шовковский ўзининг бор маҳоратини намоён этиб, швейцариялик-лар базарган учта пенальтини қайтарди ва жамоасининг қийин, аммо муҳим ғалабасига катта ҳисса қўшди. Пенальтилар бўйича ҳисоб 3:0 – Украина футболчилари ярим финалда!

27 июнь куни эса сўнгги 1/8 финал учрашувлари бўлиб ўтди. Унда Бразилия футболчилари Гана терма жамоасини 3:0, Франция жамоаси эса испанияликларни 3:1 ҳисобида мағлуб этишди.

30 июнь ва 1 июль кунлари ўтказиладиган чорак финал баҳсларида Германия–Аргентина, Италия–Украина, Англия–Португалия, Бразилия–Франция жамоалари учрашадилар.



«Маърифат» газетаси соврини учун

«ЭНГ АҲИЛ ЖАМОА МУРАББИЙИ»

Ниҳоят мини-футбол бўйича Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилган мусобақа ҳам ўз якунига етди. Айниқса, чорак финал баҳслари кутилганидек муросасиз, кескин кечди. Баҳсларни кузатиб туриб, оммавий ахборот воситалари ходимларининг миллионлар ўйинига эътибори юксак эканлигини англаб олдик.

«Спорт» телерадиоканали жамоаси билан Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси жамоаси ўртасидаги баҳснинг асосий вақтида ғолиб аниқланмади. Қўшимча вақт ҳам ҳеч нарсани ҳал қилиб беролмади. Пенальтилар сериясида эса омад Халқ таълими вазирлиги вакилларига кулиб боқди. Навбатдаги ўйинда эса «Ўзбекистон» телерадиоканали (ТРК) жамоаси «Ўзбекистон футболи» газетаси журналистлари жамоаси устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Қолган учрашувларда «Маърифат» «Ўзбекистон овози» жамоасини, «Ёшлар» телерадиоканали (ТРК) «Ватанпарвар» жамоасини мағлуб этиб, ярим финалга йўлланма олишди.

Ярим финалда рақибларидан устун келишган «Маърифат» чилар ва «Ёшлар» ТРК жамоаси ғолиблик учун қизғин кураш олиб боришди. Мусобақа ташкилотчиларини доғда қолдирган «Ёшлар» ТРК жамоаси мусобақа ғолиби бўлди. Иккинчи ўрин табиийки, «Маърифат» га, учинчи ўрин эса «Ўзбекистон» ТРК жамоасига насиб этди.

Мини-футбол ташкилотчилари ғолиб ва совриндор жамоаларга турли совғалар топширишди. «Ватанпарвар» жамоасига эса «Энг аҳил жамоа мураббийи» номинацияси бўйича совриндор туҳфа этилди.

Сурьат ШАРИПОВ.

Биатлон

МАҲОРАТЛИ МЕРГАН МУХБИРЛАР

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами муносабати билан Республика мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббускорлигида мамлакатимиздаги телевидение, радио ва газета ходимлари ўртасида пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича очиқ биринчилик уюштирилди.

Ҳамиша воқеа-ҳодисаларни тезкор суръатда ёритиб, мухлисларини ўз вақтида хабарлардан воқиф қилиб келаётган мухбирлар пойтахтимиздаги Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳудудидаги ўқ отиш мажмуасида қизғин баҳс олиб боришди.

Шиддатли баҳсларда журналистлар спортчиларга ҳос икки гуруҳда давом этган беллашувларни республика тоифасидаги бош ҳакам Шокарим Шоумаров раҳбарлигидаги тажрибали ҳакамлар баҳолаб боришди.

Ўта қизиқарли тарзда кечган аёллар баҳсида 82 балл жамғарган спорт телерадиоканали мухбири Раъно Мираҳмедова барча рақибларини ортда қолдириб, биринчи ўринга сазовор бўлди.

– Мактабда ўқиб юрган кезларим спортнинг ушбу тури билан шуғулланиб, бир неча бора туман ўқувчилари орасида совринли ўринларга муносиб топилганман. Бугун эса мухбирлар ўртасида ўтказилган ушбу биринчиликда ғолиб бўлдим. Бундан жуда хурсандман. Иккинчи ўринни эса «Ахборот» информацион дастурининг шарҳловчиси Юля Родимцева (74 балл) қўлга киритди. Учинчи ўрин 71 баллни ўз ҳисобига ёзиб қўйган Спорт телерадиоканалининг мухбири Муножат Икромовага насиб этди.


Эркаклар ўртасида кечган учрашувларда биринчи ўрин 84 баллни қайд этган «Ахборот» информацион дастури ходими Шуҳрат Якубов томонидан банд этилди. Иккинчи ўринга (79 балл) Спорт телерадиоканали ходими Зикрилло Каримов лойиқ топилган бўлса, учинчи ўринни (78 балл) Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири Қаҳрамон Қаршиев қўлга киритди. Ғолиб ва совриндорларга турнир ташкилотчилари томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси полковник Абдулазиз Абдуқаххоровнинг сўзларига қараганда, журналистлар ўртасидаги ушбу мусобақа энди ҳар йили анъанавий ўтказилади. Мазкур беллашувда журналистлар нафақат пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича, балки ёзги биатлон, триатлон, югуриш ва кўпкураш бўйича баҳс юритишади. Ҳа, юртдошларимизга ахборот етказиш илинжида доимо тиниб-тинчимай юрган касбдошларимиз касб байрами арафасида бу каби спорт мусобақаларида баҳс юритишиб, байрам онларини янада хурсандчиликда ўтказишлари шубҳасиз.

Комилжон ҲАСАНОВ.

ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ

Сочи отстает от соперников

Сочи, как официальный кандидат на право проведения XXII зимних Олимпийских игр, отстает от соперников по многим показателям. В городах-претендентах Зальцбурге и Пхенчхане за Игры проголосовало свыше 92% жителей, а в Сочи – 82%. Работы на курорте непочатый край. Но оценочной комиссии МОК, которая прибудет на курорт, как предписывает регламент, не позже марта 2007 года, будет нечего показать. Степень же готовности Зальцбурга и Пхенчхана к проведению соревнований уже сейчас превышает 80%. Всего же в Сочи и на территории входящего в черту курорта горного поселка Красная Поляна, если город получит право провести Олимпиаду, должно быть построено 11 крупных спортивных объектов.



Рекорд чемпионатов мира

Вратарь сборной Украины Александр Шовковский стал первым голкипером, который не пропустил ни одного пенальти в серии послематчевых 11-метровых ударов на чемпионате мира по футболу. Кроме того, Александр Шовковский вошел в число восьми голкиперов, которым удавалось в серии послематчевых пенальти отбить два удара. По два раза в этом преуспели немецкий голкипер Шумахер и аргентинец Гойкоэчеа. Сборная Швейцарии стала первой командой, которая не реализовала ни одного пенальти в серии послематчевых 11-метровых ударов. Более того, это первая команда в истории чемпионатов мира, которая выбыла из дальнейшей борьбы, не пропустив ни одного гола и не потерпев ни одного поражения.

Алонсо – победитель Гран-при Канады

Чемпион мира Фернандо Алонсо из «Renault» финишировал первым на Гран-при Канады в соревнованиях болидов класса «Формула-1». Таким образом, у Алонсо в активе стало 84 очка из 90 возможных, отмечает Reuters. Вторым к финишу пришел Михаэль Шумахер, представляющий «Ferrari», отстающий от победителя на внушительные 25 очков. Третье время показал Кими Райккенен из «McLaren». Победа Алонсо на этапе «Формулы-1» стала 14-й в его карьере, что сделало его вторым наиболее удачливым пилотом современности после семикратного победителя «Формулы-1» Шумахера. В соревновании конструкторов по-прежнему лидирует «Renault» со 121 очком, на втором месте «Ferrari» – 87 очков, на третьем «McLaren» с 65 очками.

Телеаудитория – 30 миллиардов зрителей

Совокупная телеаудитория проходящего в Германии чемпионата мира по футболу может превысить рекордные 30 миллиардов зрителей. Об этом сообщает Reuters со ссылкой на Доминика Шмида, главу компании «Infront», которая продает глобальные права на трансляцию мирового первенства от имени ФИФА. Согласно данным за чемпионат мира-2002 в Японии и Южной Корее, этот турнир в совокупности посмотрели 28,8 миллиарда телезрителей. Финал в 2002 году между Бразилией и Германией посмотрели 1,1 миллиарда телезрителей – примерно каждый четвертый житель планеты. В это число также входят те, кто смотрит футбол на гигантских телеэкранах, установленных на улицах городов.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. САФАРОВ, Т. ДЖУМАНАЗАРОВ, Ҳ. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 **Буюртма** № G-2560. **Адади** 24300.